


R 496 / 1
2003



Guliston

2003/1





Ислон КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН

БУЮК КЕЛАЖАК САРИ



Биз Ўзбекистон мустақиллигининг нисбатан қисқа мана шу тараққийёт даври мобайнида кўп асрлик тарихимизнинг синови ва сабоқларга бениҳоя бой бўлган гоёат мураккаб, лекин шарафли босқичдан ўтдик. Энг муҳими, энг асосийси — халқимиз ўзининг сабру матонатини, донишмандлигу бағрикенглигини, меҳнатсеварлик фазилати ва бунёдкорлик қудратини, белгиланган мақсад сари, аввало, ўз кучи ва салоҳиятига таянган ҳолда қатъият билан боришга қодир эканини бутун дунёга намойиш этди.

Мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдири-мизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажакимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш демакдир.

Жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ.

Бугун Ўзбекистонда ислохотлар муқаррар тус олди. Энди уларни ортга қайтариб бўлмайди. Энг асосийси ва энг муҳими, юртимизда янаётган одамлар, уларнинг тафаккури, ҳаётга, ўз атрофида юз бераётган барча воқеаларга бўлган муносабати ўзгармоқда.

Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли — марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қўйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришни таъминлашдир.

Фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришдан иборат. Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамisha амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқодоб, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак.

Қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юришига ҳеч қандай асос қолмайди.

Бугун янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш йўлида қўлга киритаётган ютуқларимизни, амалга ошираётган ишларимизни кўра олмай-диган, юртимизга кўз олайтираётган маълум кучлар ўз қабиҳи ва понок ниятларидан ҳали ҳам қайтган эмас. Шунинг учун ҳам халқимизнинг орзу-интилишларини ўзида мужассам этган, бугун юртимизда широк бўлиб қолган «Ўз уйингни ўзинг асра!» ва «Тинчлик учун курашмоқ керак» деган ҳаракатларимизни янада кучайтиришимиз, доимо оғоҳ бўлишимиз керак.

Муайян давлат ва жамият тараққийётининг ҳар бир босқичи ҳаётнинг ўзи ўртага кўяётган шарт ва талабларнинг ҳисобга олинишини тақозо этади. Айтиш мумкинки, тараққийётнинг ҳар бир босқичи — бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир.

Вояга етган ҳар бир йигит, ҳар бир фуқаро учун Қуроли Кучларимиз сафида хизмат қилиш ўз конституцион бурчини шунчаки адо этишдан иборат бўлмасдан, балки ҳарбий хизмат унинг учун нуфузли ва шарафли бир ишга айланиши зарур. Токи у ўзи англаб, ўзи танлаб олган мана шу ҳарбий касб эвазига ҳаётдан муносиб ўрин ва эътибор топа олсин.

Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятни, авваламбор, ўзимиз учун, униб-ўсиб келаётган, бугун бошлаган ишларимизни эртага давом эттиришга қодир бўлган болаларимиз учун қурмоқдамиз. Ҳеч шубҳасиз, биз бугун ҳаётга кириб келаётган янги навқирон авлодимизга, насл-насабимиз давомчиларига қандай орзу-умид билан қараётган бўлсак, келажакда улар ҳам бизга — ўз ота-оналарига худди шундай гурур ва ифтихор билан қарашини истаймиз, шунини ҳавас қиламиз.

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи чақириб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан)



ижтимоий-сиёсий, илмий-бадиий, маданият-таърифий, бошқали журнал

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган.

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир:
Азим СУЮН

Таҳрир хайъати:
Юсуф АБДУЛЛАЕВ,
Бобур АЛИМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ,
Неъматилла ИБРОХИМОВ,
Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Абдусайд КУЧИМОВ,
Исфандиёр ЛАТИПОВ,
Отаназар МАТЁКУБОВ,
Абдулла ОРИПОВ,
Шухрат ОРИФ
(масъул котиб),
Энахон СИДДИҚОВА,
Рустам ШОҒУЛОМОВ,
Эркин ЭРНАЗАРОВ,
Табысқан ҚАНААТОВ,
Жуманазар ХУСАНОВ,
Абдуғани ЖУМАЕВ.

Бўлим муҳаррирлари:
Комил ЖОНТОЕВ,
Сирожиiddин АХМЕДОВ,
Баҳром ЖУМАНИЕЗОВ,
Маъпура НАБИЕВА.
Саҳифалаш ва дизайн:
Барно ХОШИМОВА,
Нилуфар МИРЗАЕВА.
Мусахҳиж:
Маҳмуда АБДУЛЛАЕВА.
Фотомухбирлар:
Дмитрий КУРЬЯКОВ,
Тургунбек МАҲКАМОВ.

Навбатчи муҳаррир:
С. АХМЕДОВ.

Босишга 28.12.2002 да топширилди.
Қоғози 70x108 1/8,
Ҳажми 6,5 босма табоқ,
Буюртма № 4459

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси.
Таҳририят манзили: 700029, Тошкент,
Булок Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар:
Қабулхона: 136-56-01
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-08-57
Масъул котиб: 133-07-94
Факс: 133-08-57

«ГУЛИСТОН» 1/2003

Ушбу сон мазмуни:

Мухаммад
al-takhlis-salim 7



**ТУРКИСТОН
КҮРБОШИЛАРИ
ҚИСМАТИ** 12

От йили
(қисса) 18



**ТИЛЛА
ЗИРАК** 22

**НАПОЛЕОН
БИЛАН СУХБАТ** 22



Kartlar soq'asi 25



**ТЕРРОРИЗМ —
ТАРАҚҚИЁТ
КУШАНДАСИ** 26

**Миғбурлар
мақтурлари** 31

МУҚОВАЛАРДА:
Биринчи бет — фотосурат муаллифи
Абдуғани Жумаев
Иккинчи бет — фотосурат муаллифи
Абдувоҳид Тўраев
Учинчи, тўртинчи бетлар —
фотосуратлар муаллифи
Дмитрий Курьяков

ЗАРВАРАҚЛАРДА:
Биринчи бет — фотосурат муаллифи
Дмитрий Курьяков
Иккинчи, учинчи бетлар —
фотосуратлар муаллифи
Абдуғани Жумаев
Тўртинчи бет — фотосурат муаллифи
Владимир Гранкин

2003



Иисон умри дарёдек тозурик. Истасак-истамасак йиллар келиб-кетаверади, фаслар алмашаверади. Келганимиз минг биф хаяжон оғушида кутиб олганимиз — 2002 йил бугун тарихга айланди. Орзу-умидлар қаюмида яна биф йилни қарши олдик. Мана шундай хаяжонли лаззалада иисон жуда кўп нарсаларни ўйлайди, худосалар йиқаради ва босиб ўтмиш йўлни сарҳисоб қилади.

Қарияларни қадрлаш йили деб номланган 2002 йил юртимиз ҳаётида, иисон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислохотлар ривожинда сезиларли ўрни шунди. Ана шу жараёнларнинг иштирокчиси ва сеvimли журналистимиз бўлган «Гулстон» фаолиятида ҳам бу йил янги уфқлар оиди. Ушбу йилда «Гулстон» азалий анъаналарини тиклаб, ҳам шаклан, ҳам мазмуниан янгилаштиришга муваффақ бўлди. Журналистнинг тақдимот маросими ўтказилгани, унинг Интернет шизимига кириштирилганини ўзи ҳам «Гулстон» замон руҳига ҳамозан тарзда янгилаштириб, ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бораётганидан худозлик беради. Буларнинг барчасида сиз, азиз журналистларимиз ҳам муносиб ҳиссасини бор. Чунки, биз нимагаки иштимайлик, сизнинг талаб-истаклариниз ва мулохазаларинизга талпамиз.

«Обод мазалла» йилида «Гулстон» ҳар ойда биф марта топ этилади. Демакки, сиз билан сеvimли журналистимиз ўртасидаги «масофа» бифмуна қисқаради. Янги йилда таърифли муштарийлар маънавий дунёсини бойишадиган, фикрлашга ва ислохотлар жараёнинда янада фаол бўлишга йорлайдиган мақолалар, оверклар, ҳикоялару шеърлар — қўйиники, сизни бефарқ қолдирмайдиган асарлар топ этишни режалаштириган.

Янги йил сизга бахту қувончлар, оиланизга тотувлик ва ҳаётинизга яратувчанлик руҳини бахш этиши.

Шазрифийи

Азиз журналистларимиз!

Янги йилнингиз қутилуғ бўлсин!



Инсон қалби мўъжизалар яратишга қодир. Фақат у эзгуликка, санъатга юз турса, бас. Тараққиётнинг ҳар қандай силсиласи ҳам қалб мўъжизалари олдида оддий жараён бўлиб қолаверади.

Халқимизнинг қадимий анъаналари ва санъатини авлоддан-авлодга ўтказиб, такомиллаштириб келаётган, лойдан чинакам «мўъжиза»лар яратаётган маҳоратли кулол Акбар Раҳимов хонадониди ташкил этилган музей билан танишар эканман, бунга яна бир қарра амин бўлдим. Ўзбек кулолчилигида ўзига хос мактаб яратган Раҳимовлар сулоласи салоҳиятини ўзида жамлаган музейнинг ҳар бир экспонатида яратувчан инсон қалбининг ҳарорати сезилиб туради. Шунинг учунми асарлар ҳеч қимни бефарқ қолдирмайди. Музейга хорижлик сайёҳларнинг қизиқиши ортиб бораётганининг боиси, эҳтимол, шудир. Яқинда мамлакатимизда меҳмон бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош қотиби Кофи Аннан ҳам Акбар Раҳимов хонадонига ташриф буюриб, сулоланинг ижодий салоҳиятига юқори баҳо берди.

Акбар Раҳимовдаги кулолчиликка меҳр отаси — Ўзбекистон халқ рассоми Муҳитдин Раҳимовдан ўтган. Муҳитдин Раҳимов кулоллар шажарасининг тўртинчи авлоди эди. Унинг хизматлари туфайли ўзбек кулолчилигининг кўп асрлик анъаналари сайқалланиб, янада бойитилди. У Ўзбекистонда мавжуд бўлган халқ кулоллик мактабларининг бадий-техник хусусиятларини, кейинчалик қадимги Кушон даври сопол буюмларини, Афросиёб ва Теурийлар даври кулоллик санъатини чуқур ўрганиб, ўзига хос қомус яратди.

Отаси вафотидан кейин Акбар Раҳимов зиммасига бебаҳо меросни асраб-авайлаш ва раванқ топтиришдек шарафли вазифа юкланди. У отаси

анъаналарини давом эттирар экан, бадий йўналишларни ижодий қайта ишлашга, шу йўл орқали янгилик яратишга интилди. Унинг изланишлари натижасида ўзбек кулолчилик мактабида янгича мавзу ва сюжетлар, услубу безаклар пайдо бўлди. Кулол ўрта аср усталаридан


фарқли ўлароқ, безакда унсурларнинг ортиқча бўлишидан қочади, эътиборни кўпроқ асосий нақшларга, уларга Ўрта Осиё қадимий кулоллиги унсурларини қўшишга қаратади. Шу боис унинг асарларида кулолчиликнинг кўҳна ва замонавий услублари уйғунлашиб кетган.

Сўнгги йилларда кулол жаҳоннинг қатор мамлакатларида ижодий сафарда бўлиб, у ердаги мавжуд тажриба билан танишиб қайтди. Шу билан биргаликда талай давлатлар (Германия, Япония, Россия)да кулолнинг шахсий кўргазмалари ташкил этилди. Бу сафарлар асосида кулол жаҳон тажрибаларини илғор ўзлаштириб, асарларида унумли фойдаланмоқда. Масалан, унинг Япония анъанавий кулолчилиги йўналишлари, оҳанглари сингдирилган асарлари кишида яхши таассурот уйғотади.

1995 йилда Акбар Раҳимов ижодий изланишлари учун ЮНЕСКО дипломи билан тақдирланди. Анъанавий технологияни такомиллаштириш ва тиклаш соҳасидаги тадқиқотлар унга анъанавий қосинлар технологиясини тиклаш лойиҳасини ишлаб чиқишга имкон берди. ЮНЕСКО тизими томонидан амалга оширилаётган «Самарқанднинг мовий сополлари» деб номланган ушбу лойиҳа Ўзбекистон меъморий ёдгорликлари қосинларини таъмирлашда, ишқорли сирларни тайёрлашни тиклаш ва ишлаб чиқишда, замонавий иншоотларни безашда жуда қўл келади.

Акбар Раҳимов тинимсиз изланишда. У ўз маҳорати сирларини сулола давомчилари — фарзандларига, ёшларга ўргатмоқда. Ўғли Алишер ҳам отаси изидан бориб муваффақиятларга эришмоқда. Демакки, Раҳимовлар сулоласи ижодий анъаналари давом этажак!

Шухрат ОРИФ



ПОЙТАХТДА ШУНДАЙ СУЛОЛА БОР...



Иқтисодиётда катта цикл деган ҳодиса бор. Катта цикл иқтисодиётдаги янги давр бўлиб, 50-60 йил давом этади. Бу давр фан-техникадаги катта кашфиётлар ва уларнинг ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши, бунинг самараси ўлароқ иқтисодиёт ва, энг аввал, sanoatнинг жадал ўсиши, халқ фаровонлиги ортиб бориши билан тавсифланади. XX аср мобайнида Ўзбекистон икки марта катта циклни бошидан кечирди. Бу цикллار, охириги 11 йил — мустақиллик даврини ҳисобга олганда мустамлакачилик шароитида кечди, яъни улар аввал хоризм мустамлакачилиги шароитида бошланиб, шўролар истибдоди даврида давом этди. Ўзбекистон қарам бўлганидан икки цикл давридаги фан-техника раванакидан ўзининг миллий манфаатлари йўлида баҳраманд бўла олмади. Янги цикл XXI асрнинг биринчи ярмида, аниқроғи, 2010 йилдан сўнгги даврда юз бериши кутилмоқда. Юртимиз янги циклга мустақил мамлакат сифатида, бозор муносабатлари шароитида қадам қўяди.

Ҳозир фан-техника соҳасида кутилаётган туб бурилишлар янги циклга моддий база яратадиги, булар термо-ядро реакциясини бошқара олиш, генинженерияси, информатсион технология, биотехнология ва микро-

лардан зиёдни ташкил этар экан. Мамлакатнинг улкан иқтисодий салоҳияти узоқ йиллар давомида инсон омилига капитал қўйишнинг меваси деса бўлади. Бу капитал аслида таълимга, малака олиш, уни муттасил ошириб боришга қилинган сарфлардир. АҚШда таълим учун фақат давлатнинг сарфи 520 млрд. доллар бўлиб, бу бошқа мамлакатлардагидан анча зиёддир.

Инсон капиталига қўйилган инвестиция уч манбалидир. Биринчиси давлат маблағи, иккинчиси корхона ва ташкилотлар маблағи ва ниҳоят, учинчиси аҳолининг хусусий маблағидир. Буларнинг нисбати ҳар бир мамлакатнинг ривожланиш даражаси ва давлатнинг ижтимоий сисъатига боғлиқ бўлади. Иқтисодиёти юксак мамлакатларда инсон қобилиятига пул сарфлашда фирмалар ва оилаларнинг ўз маблағлари катта роль ўйнайди. Иқтисоди ҳали нисбатан кучсиз мамлакатларда эса бюджет маблағлари устуворлик қилади. Ўзбекистон иқтисодиёти йилдан-йилга ривожланиб боргани ҳолда, давлат инсон омилига кетган сарфларнинг катта қисмини ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон табиатан социал давлат бўлиб, ўз фаолиятида инсон омилининг ривожига катта эътибор бериб келмоқда. Социал дав-

катларда бўлгани каби ишловчи аҳолининг ўзи ва ўзидан кўп сонли ишламайдиганларга фаровон турмуш беришлари учун меҳнат унумдорлиги юқори бўлиши зарур бўлади.

Маълумки, меҳнат унумдорлигининг 3 та асосий омил бор: биринчиси технология даражаси, иккинчиси ишловчиларнинг билим даражаси ва меҳнат малакаси, учинчиси табиий шарт-шароитлардир. Биринчи ва иккинчи омилни ривожлантириш инсон қўлида бўлса, учинчи омил объектив берилган, уни ўзгартириш қийин, ундан оқилона фойдаланиш қолади ва бу олдинги омилларга боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон тараққиёти учун бош муаммо технологиядир. Мустақил Ўзбекистонга ўтмишдаги тузумдан технологик қарамлик мерос қолди, унинг оқибатларини ҳозир ҳам сезиб турибмиз. Кўпгина иқтисодий муаммоларнинг ечими замонавий технологиянинг етишмаслигига бориб тақалади. Шу боис технология импортига катта миқдорда валюта сарфлашга тўғри келади. Технология импорти уни мамлакат ичида ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан ҳам қисқартириш мумкин, лекин бунга тўғри бўлмади, бунга эҳтиёж йук, чунки дунёдаги ривожланиш янги технологияни ўзаро баҳам

ИНСОН

КАПИТАЛИГА ИНВЕСТИЦИЯ

электроника ютуқлари билан боғланади. Муғлақо янги типдаги технологиянинг пайдо бўлиши ишлаб чиқариш аппаратини тубдан янгиллаб, илгари кутилмаган гоят юксак меҳнат унумдорлиги учун моддий асос яратади. Аммо фан-техника ютуқларига ҳам оҳанг равишда иқтисодиётни ўстириб бориш учун инсон омилига, яъни инсон капиталига юборилган инвестиция ортиб бориши зарур.

Бу инвестиция амалда инсоннинг ақлий ва жисмоний иш қобилиятини ривожлантиришга қаратилган сарф-харажатлардир. Ҳозир бу энг самарали инвестиция ҳисобланади, чунки бу инсон умрининг охиригача унинг қобилиятида мужассам этилиб, тўхтовсиз қайтим бериб боради. Ушбу инвестициянинг самараси, биринчидан, инсоннинг ўзи учун бўлиб, унинг даромади муттасил ошиб боришида ифодаланади, яъни ишлаган давридаги даромади ва оладиган нафақанинг жами суммасида гавдаланади. Инсон капиталига инвестиция, иккинчидан, бутун жамят ва халқ учун самара беради, чунки инсон нақадар камол топса ва унинг иш унуми қанчалик ошса, жамятнинг иқтисодий салоҳияти, унинг бойлиги шунчалик кўп бўлади, бинобарин ҳамма фаровон яшайди.

Инсон капиталига катта инвестиция қилиниши АҚШнинг иқтисодий жиҳатдан энг кудратли мамлакат бўлиши сабабларидан биридир. Баъзи бир ҳисоб-китобларга кўра, АҚШда битта фарзанднинг дунёга келиб, тарбия топиши, таълим олиши ва балогатга етиб меҳнат ўшига қадам қўйишига қадар унга сарфланган жами маблағ 450 минг дол-


лар катта социал сарфларга бориши табиийдир. Бу ҳақда давлат бюджетининг таълим соҳасидаги харажатлари гувоҳлик беради. Агар ўтган асрнинг 90-йилларида маориф учун сарфларнинг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси бутун дунё бўйича ўртача 5,2 фоизни, АҚШда — 5,3%, Францияда — 5,9%, Швецияда — 8,0%, Японияда — 3,8%, Финляндияда — 7,6%, Туркияда — 3,4%, Саудия Арабистонида — 5,3% ва Поляндада 4,6 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 9,5 фоизни ташкил этади. Бинобарин, ватанимизда таълим учун сарфлар дунёда энг юқори бўлиб, ҳатто ривожланган мамлакатлар кўрсаткичидан ҳам баланд туради. Таълим сарфларининг давлат томонидан молялаштирилиши бепул таълим хизматидан барча, энг аввало, аҳолининг муҳтож қатламлари баҳраманд бўлишини таъминлайди.

XXI аср Ўзбекистон асри бўлиши учун биз замонавий технология даражасига чиқишимиз талаб қилинади. Шундагина фаровонликни таъминлашга қодир бўлган юқори меҳнат унумдорлигига эришиш, юксак технологик, рақобатбардош маҳсулотларни яратиш мумкин бўлади. Юксак технологиясиз мамлакатни sanoatлаштириш муаммосини жадаллик билан ҳал этиб бўлмайди. Sanoatлашмаган мамлакатни эса бой дейиш қийин. Иқтисоди ривожланган, аҳолиси бой бўлган мамлакатлар sanoati юксак технологияга асосланган давлатлардир. Мисол учун, Япония таърибасини олайлик. Ҳозир Японияда жон бошига ишлаб чиқариш 35-38 минг доллар атрофидадир. Иқтисоди илғор мамла-

кўришга асосланади. Шу боис жаҳон савдо-сида машина ва ускуналар экспорти ва импорти катта ўрин тутади. Ўзбекистон технология импортини ўз машинасозлигини ривожлантириш орқали қисқартириши мумкин.

Янги технологияни ишлаб чиқариш ўз навбатида малакали мутахассисларни талаб қилади. Бу эса кадрлар тайёрлашга катта сарф зарурлигини билдиради. Олий ўқув юртилари инженерлик ихтисосликлари бўйича битта бакалавр тайёрлаш ўзининг бир йиллик сарфи бўйича ихтисосликлар орасида 11-ўринда туради. Шу соҳада магистрлар тайёрлаш сарфи эса 14-ўринда туради. Ҳозир инженерлик соҳасида магистр тайёрлаш сарфи ҳуқуқ соҳасидаги сарфдан 22% камдир. Бу кадрлар тайёрлаш сарфини қайта қўриб чиқишни талаб қилади. Бизингча, техникавий таълимга устуворлик бериб, шу соҳани рағбатлантириш зарур, чунки бу таълим соҳаси учун, биринчидан, қимматбаҳо ўқитиш технологияси, иккинчидан, юқори малакали профессор-ўқитувчилар, учинчидан, иқтидорли, мураккаб меҳнатга шай турган талабалар керак бўлади. Шунинг назарда тутиб техникавий таълим учун бериладиган кредитни ҳам имтиёзлик қилиш керак. Унинг фоизини нисбатан кам бўлиши ва тўлаш муддатининг узайтирилиши ҳамда бошқа энгилликлар беришни кўзда тутиш фойдадан холи эмас.

Хидирназар АЛЛАҚУЛОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор



ЖАҲОН АЙВОНИДА МАҒРУРДИР ЎЗБЕК

Мустақиллик биз учун, давлатимиз тараққиёти, унинг буюк келажаги, миллий онгимиз ва ўзлгимизни англаш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашимиз учун муҳим аҳамиятга эгадир. Халқимиз мустақиллик, суверенитет, тақдирини ўзи белгилаш туфайли ўзининг ҳақиқий тарихини, бутунжаҳон тан олган бой маданий меросини ва юксак маънавий қадриятларини, анъана ва урф-одатларини қайта тиклаш имкони эга бўлди.

Президентимиз И.А.Каримовнинг астойдил интилиши ва жонқуярлиги туфайли маънавиятимиз, қадриятларимиз қайтадан буй кўрсатмоқда. Айтиш керакки, ўзликни англаш туйғусининг ўсиши, миллий ғурурнинг кучайиши, биз нақадар улкан маданий салоҳият эгаси эканлигимизни англаш, буюк аждодларнинг маънавий меросини асраб-авайлашга жиддий киришилгани мустақил Ўзбекистон давлати барпо этаётган буюк келажакка ўзига хос пойдевор бўлди.

Ўтган давр мобайнида биз мустақиллик бебаҳо неъмат эканлигини тўла англаб етдик. Истиқлол халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини том маънода юзага чиқарди. У она диёримизнинг буюк сиймолари номларини фахр-ифтихор билан тилга олишга, уларнинг та-

валлуд саналарини жаҳон миқёсида кенг нишонлашга ва шу йўл билан халқимиз маънавий камолотини юксалтиришга кенг имкониятлар яратди.

1996 йилда халқимизнинг буюк фарзанди соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилеи дунё миқёсида катта тантана қилинди. Париж шаҳрида — ЮНЕСКО қароргоҳида ўтказилган тантаналар ва қатор халқаро анжуманлар (уларда жаҳоннинг 25 мамлакатидан вакиллар қатнашган)нинг ўзи ҳам халқимиз маданиятига кўрсатилган эътиром рамзидир. Эндиликда Амир Темур сиймоси умумхалқ, умумбашарий аҳамият касб этмоқда.


Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилеи ҳам жаҳоний кўлам касб этди. Бу санага бағишланган халқаро анжуманлар фикримиз тасдиғидир. Термиз шаҳрининг 2500, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллик тўйи маданий меросимизни асраб-авайлаш, уларни янада такомиллаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Юқорида қайд этилган шаҳарларнинг қатор тарихий обидалари ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида киритилгани ҳам дунёнинг халқимиз ўтмишига бўлган эътиромидир. Бу тарихий обидалар жаҳоннинг бебаҳо обидалари қаторида асраб-авайланмоқда.

Юртбошимиз ташаббуси билан қатор буюк аждодларимизнинг таваллуд саналари катта тантана қилингани маънавиятимиз ривожига хизмат қилди. Жумладан, Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги, Имом Абу Мансур ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги, ал-Фарғоний, ат-Термизий, Имом Бухорий каби боболаримизнинг юбилейлари жаҳон миқёсида кенг нишонланди. Бундай саналар халқимиз маънавий салоҳиятини жаҳон халқларига намоиш этиш билан бир қаторда ўсиб келаётган ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун дунё ўзбекини, озод Ўзбекистонни тобора кенгроқ танимоқда. Халқимизнинг баркамол авлодлари унинг номини жаҳон айвонида янада танитмоқда. Истиқлол ана шундай кенг имкониятлар яратиб бергани учун ҳам бизга қадрли ва азиз. Юртимизнинг дунё давлатлари билан маданий алоқалари кундан-кунга ривожланиб, янгидан-янги қирралар буй кўрсатаётир. Бу алоқалар бундан кейин ҳам такомиллашиб бораверади.

Қудрат ЭРНАЗАРОВ,
тарих фанлари номзоди





Мухаммад алайҳис-салом

Инсоният тарихи — узун, ўтмиши — узок. Дунёда шундай Шахслар, сиймолар ўтганки, улар кечмишининг кечилишига катта таъсир этганлар. Улар кимлар, қайси Шахс тарихга қандай таъсир қилган, бу таъсир қанчага етган? Бу саволларга АКШ тарихбитари Майкл Ҳарт ўзининг «Юз буюк сиймо» китобида жавоб беришга ҳаракат қилади. Бунда биз билган-билмаган буюклар, уларнинг улкан ишлари, ибратли фаолиятлари ёритилган. Китобда уларнинг жойлашиш тартиби тўлиғича муаллифнинг субъектив қарашларига асосланади. Китобда номлари зикр этилган шахсларнинг барчасини ҳам буюк деб бўлмас, бироқ уларнинг тамаддун кечилишига таъсирини инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун рисолада Сталиндек қонхўр Ньютондек олим билан бирга саналаверади. Асарга шундай шахслар киритилганки, бўлиб ўтган тарихий ҳодиса уларсиз, уларнинг бевосита иштироки ва таъсирисиз юз бермаслиги аниқдир. Шунч ҳам айтиб ўтиш лозимки, Майкл Ҳарт тарихий шахсларни уларнинг қилган юмушлари кўламига эмас, балки инсоният тараққиётига кўрсатган таъсирига кўра баҳолайди, жойлаштиради.

Биз журналимиз саҳифаларидан ушбу китобдан таржималар бериб боришни режалаштирдик ва китобда биринчи ўринга жойлаштирилган «Мухаммад» мақоласини ҳавола этмоқдамиз. Фақат ўқиб жараёнида муаллифнинг номуслмон экани, рисоланинг 1978 йили ёзилиб, 1998 йили қайта ишлангани ҳамда ҳодисаларга, авваламбор, Ботши одами нуқтаи назардан қаралганини эътиборда тутиш лозим бўлади. Ушбу мақоладаги фикрлар исломий ахлоқ ёки фикр-қарашга, тахририят нуқтаи назарига кўп жиҳатдан мос келмаслиги мумкин. Бу ҳолда, мақоладаги нуқсонларни бағишлайсиз, азиз ўқувчи. Уни биз билган ва оламнинг сарвари ҳисобланган тенгиз Шахсга ўзга дунё кишисининг янги бир баҳоси сифатида, эътироф

фи тарзида қабул қиласиз. Зеро, Мухаммад алайҳис-саломнинг гайримусулмон тарафидан дунё тарихидаги энг таъсири кучли, биринчи рақамли буюк шахс сифатида эътироф этилиши унинг ҳақ диннинг ҳақ пайгамбари эканини яна бир бор далиллайди. Марҳамат!

Тахририятдан

Мухаммаднинг жаҳон тарихидаги энг таъсири кучли шахслар рўйхатида биринчи ўринга қўйилганлиги айримларни ҳайрон қолдирса, кимлардадир эътироз туғдириши мумкин. Бироқ у тамаддун тарихига ҳам диний, ҳам дунёвий жиҳатдан энг катта таъсир ўтказган ягона шахсдир.

Қуйи ижтимоий қатламдан келиб чиққан Мухаммад дунёдаги энг буюк динлардан бирининг асосчиси ҳамда мислсиз ютуқларга эришган сиёсий лидер бўлиб етишди. Унинг амаллари таъсири вафотидан 13 аср ўтган бўлишига қарамай, ҳануз жуда кучлидир.

Ушбу рисолада тилга олинган шахсларнинг аксарияти маданият ва маърифат марказларида туғилиб ўсганлар, дунё тамаддунига шаксиз кучли таъсир ўтказган халқлар орасида яшаганлар. Мухаммад эса 570 йили Маккада — ўша пайтлари қоқоқ, маърифат ва руҳониятдан анчагина йироқ жойлар бўлган Жанубий Арабистонда таваллуд топган. Олти ёшида у етим қолди ва қийинчиликда ўсди. Унинг аҳволи 25 ёшларда бой бевага уйлангач, ўнглана борди. Бироқ қирққа кирганида ҳам Мухаммаднинг фақулдда шахс эканли-

гидан ҳеч нарса дарак бермас эди.

У вақтлар арабларда кўпхудолик тарғиб қилинар, жоҳилият ҳукмрон эди. Тўғри, Маккада бирозгина яҳудий ва насронийлар бўлган, балки Мухаммад яқка Илоҳнинг мавжудлиги, бутун борлиқнинг Холиқи ўша экани ҳақидаги тушунчаларни айнан шуларни кузатиб олгандир... Қирқ ёшида Мухаммад борлиқ Холиқи, ягона Худо Аллоҳ эканлигига имон келтирди ва ўзининг Жаброил орқали У билан мулоқотга киргани ҳамда расул танланганлигини эътироф этди.

Уч йил давомида Мухаммад ўзининг янги динини қон-қариндошлар, яқинларнинг тор даврасида тарғиб этди. 613 йилдан бошлаб эса кенг оммани даъват эта бошлади. Аста-секин унинг издошлари пайдо бўлди, кўпайди ва Макка маъмурлари унга рақиб-бузғунчи сифатида қарай бошлашди. Ниҳоят, 622 йили Мухаммад рақиблар таъқибидан четроққа — Мадинага ҳижрат қилди ва бунда росмана ҳокимият ҳамда катта таъсир кучига эга бўлди.

Ҳижрат аталмиш бу давр пайгамбар ҳаётида кучли бурилиш ясади. Маккада эканида унинг издошлари жуда камсонли бўлган бўлса, Мадинада умматлари кўпайиб, Мухаммад шундай катта мавқега эга бўлдики, энди уни қудратли ва тўлақонли ҳукмдор, деб бемалол айтавериш мумкин эди. Пайгамбар умматлари сони тез кўпаяётган кейинги йилларда Макка ва Мадина орасида ҳарбий тўқнашувлар пайдо бўла бошлади. Бу уруш 630 йили ғолиб Мухаммаднинг Маккага қайтиши билан якунланди. Пайгамбар умрининг бундан кейинги икки ярим йилида араб қабилалари тез суръатларда Исломни қабул қилдилар. 632 йили — вафоти олдиан эса Мухаммад алайҳис-салом бутун Жанубий Арабистоннинг ҳукмдори эди.

Араб бадавийлари моҳир жангчилар сифатида ном қозонган эдилар. Бироқ қабилалараро урушлар, ўзаро иттифоқнинг йўқлиги туфайли уларда шимолнинг ўтrock хўжалик юритувчи давлатларидаги сингари кўп сонли, кучли армия бўлмаган. Шундай бўлса-да, илк бор Мухаммад пайгамбар шарофати билан бирлашган, ўз Аллоҳига қаттиқ эътиқод боғлаган кам сонли араб қўшинлари мислсиз за-

фарларга эришдилар. Арабистон ерлари шимоли-шарқдан Сосонийлар, шимоли-ғарбдан эса Византия империяларига туташ эди. Араблар ўз рақибларидан микдор жиҳатидан анча кам эдилар. Шунга қарамай, янги диндан диллари қувват олган араблар тез орада бутун Месопотамия, Сурия ва Фаластинни забт этдилар. 642 йилга келиб улар Византия таркибидаги Мисрни эгаллаб, 637 ва 642 йиллардаги ҳал қилувчи жангларда форс қўшинларини тор-мор келтирдилар.

Пайгамбарнинг яқин саҳобалари Абу Бакр ва Умар ҳазратлари бошчилигида эришилган бу буюк зафарлар араб юришининг ниҳояси эмас эди. 711 йили араблар Шимолий Африкани эгаллашди ва Атлантика океанига бориб етдилар, сўнг Гибралтар бўғозидан ўтиб Испанияни забт этишди.

Араб юришлари суръати бутун насроний Европани босиб олиш даражасида шиддатли эди. Фақат 732 йилга келибгина Франция марказига кириб борган мусулмонлар илк бор франк қўшинларидан мағлубиятга учрадилар. Шунга қарамай, араблар сарҳади Хиндистондан Атлантика океанига доғру худудни эгаллаган, ўша вақтдаги энг катта империяни қуриб улгурган эдилар. Босиб олинган ерларда эса ўз навбатида янги диннинг янги синашталари пайдо бўла бошлади.

Бу истилоларнинг ҳаммаси ҳам узоқ муддатли бўлавермади. Форслар гарчи пайгамбар динини сақлаб қолсалар-да, араб мустамлақасидан озод бўлишга эришдилар. Испанлар эса 7 асрдан сўнг насроний Реконкиста туфайли бутун ярим оролни ўзларига қайтиб олдилар. Бироқ Месопотамия ва Мисрдек қадимий цивилизация ўчоқлари эса Шимолий Африка сингари араблар тасарруфида қолди. Истилолар тўхтаса-да, ислом дини ўзга юртларга тарқалишда давом этаверди. Ҳозирга келиб Африка ва Марказий Осиё худудларида ўнлаб миллион, Покистон, Шимолий Ҳиндистон ва Индонезияда яна ҳам кўпроқ мусулмонлар яшайдилар. Индонезияда ислом дини миллатни бирлаштирувчи фактор сифатида бўй кўрсатди. Ҳиндистонда эса, аксинча, динлараро келишмовчилик ҳамон ҳукм сурмоқда.



ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



Зухра РАҲИМОВА —

1949 йили Тошкентда туғилган. У Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг тасвирий санъат тарихи ва назарияси кафедраси мудираси бўлиб ишлайди. Санъатшунослик фанлари номзоди, профессор. Зухра Раҳимова шарқ миниатюраси ва либослар тарихи бўйича илмий изланишлар олиб боради.



Хўш, Мухаммад шахсининг инсоният тамаддунига таъсирини қандай баҳоламоқ лозим? Дунёдаги бошқа динлар каби Ислом ҳам муслмонлар, яъни шу динга эргашувчилар ҳаётига ҳамон кучли таъсир ўтказмоқда. Шунинг учун ҳам ушбу рисолада барча дунё динлари асосчиларига алоҳида ўрин ажратилган. Бугун жаҳонда муслмонлардан кўра насронийларнинг кўплиги ҳисобга олинса, Мухаммаднинг ушбу китобда Исодан олдин келтирилиши ғалат ҳолатдек туюлади. Бироқ бунинг учун бизда икки асос бор. Биринчидан, Мухаммаднинг ислом дини ривожини ва тарқалишидаги хизмати Исонинг христиан дини тараққиётига қўшган ҳиссасидан кўра анча каттадир. Исо христиан динининг фалсафаси ва ахлоқи назариясини яратган бўлса-да, муқаддас Павел насроний илоҳияти шаклланиши, ушбу динга сигинувчилар сонини кўпайтириш учун кўпроқ хизмат қилди. Айнан Павел Янги Васият (Новый Завет)нинг асосий қисми муаллифидир. Демак, насроний дини тараққиётида Исодан кўра Павелнинг хизмати катта.

Мухаммад эса ислом фалсафаси ва ахлоқини тўла, мукамал шакллантирди. Унинг ўзи муслмонлар сафини кенгайтириш учун саъй-ҳаракат қилди ва биринчилардан бўлиб Ислом арконларини ҳаётга татбиқ этди. Бунинг устига Мухаммад муслмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш Қуръоннинг муаллифидир. Мухаммаднинг Қуръонга кирган сўзлари у ҳали ҳаётлигидаёқ ёзиб олинган ва вафот этгач, тўлиқ, мукамал авторитар шаклга келган.

Исонинг айтганлари эса афсуски, бизгача сақланиб қолмаган. Муслмонлар учун Қуръоннинг аҳамияти насронийлар ҳаётида «Библия»нинг ўрнидан кам эмаслигини ҳисобга олсак, Мухаммад гоёларининг китоб орқали муслмонларга кўрсатган таъсирини тасаввур қилиш мушкул эмас. Бу таъсир ҳатто Исо ва Павелнинг насронийлар ҳаётига таъсирини қўшганда ҳам кучлироқдир. Соф диний нуқтаи назардан эса Мухаммаднинг инсоният тарихига таъсири Исоникидан кам бўлмаган.

Бундан ташқари пайғамбар Исодан фарқли ўлароқ, нафақат диний, балки сиёсий етакчи — раҳнамо ҳам бўлган. Агар унинг араб истилолари илҳомчиси сифатидаги ўрни назарда тутилса, Мухам-

маднинг дунё сиёсий тарихидаги энг буюк дохий эканлиги аён бўлади.

Тарихда шундай ҳодисалар бўлиб ўтганки, уларнинг кечишини бирор шахс номи билан қатъий боғлаб бўлмайди. Шу ўринда Жанубий Америка мустамлакаларининг испанлар истибодидан Боливарсиз ҳам озод бўла олишлари мумкинлигини эслатиш кифоя. Бироқ араблар истилоси ҳақида бундай фикрни билдириб бўлмайди. Чунки Мухаммаддан олдин араблар ҳеч қандай буюк зафарларга эришмаган ва унинг шахси, таъсирисиз ҳам шу сингари бирор ҳодиса бўлиши мумкинлигини тахмин қилишга асос йўқ. Инсоният тарихида бунга уйқаш фақат биргина ҳодиса бор — Чингизхон шарофати билан мўғулларнинг XIII асрдаги ҳарбий, сиёсий ютуқлари. Бироқ бу зафарлар арабларникидан кўламмироқ, улканроқ бўлса-да, вақтинчалик эдики, бугунга келиб мўғуллар худди аввалгидай худудгагина эгалар.

Арабларда эса бундай бўлмади. Бугун Ироқдан Марокашгача бўлган худудларда нафақат ислом дини, балки умумий тил, тарих, маданиятга эга бўлган араб давлатлари жойлашган. Қуръоннинг яна бир афзаллиги шуки, у араб тилини турли лаҳжаларга бўлиниб, бузилиб, йўқолиб кетишдан асраб қолди. Албатта, араб давлатлари орасида турли тафовут ва ҳатто қарама-қаршилиқлар ҳам мавжуд. Фақат улар араб бирлиги, иттифоқи, уйқашлигини босиб кета олмайди. Масалан, 1973-1974 йиллардаги нефть эмбаргосида барча араб давлатлари қатнашгани ҳолда, на Индонезия, на Эрон иштирок этди. Бу шунчаки тасодиф эмас.

Шундай қилиб, араб юришлари оқибатлари ҳали-ҳамон инсоният ҳаётига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда. Шу сабабли ҳам диний ва дунёвий таъсирларини умумлаштириб, Мухаммад фавқуллодда тарихий шахсларнинг биринчиси сифатида танланди.

Жалолбек ЙЎЛДОШБЕКОВ
тайёрлади.

Мирсодиқ ИСҲОҚОВ —

1943 йилнинг 22 январида Тошкент шаҳрида туғилган. У тарих фанлари доктори, Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг профессори. М.Исҳоқов Марказий Осиё халқлари тарихи, қадимий ёзувлар, энг қадимги ёзма ёдгорлиқлар тарихий манбашунослиги, авестошунослик, сугдшунослик каби мураккаб илмий соҳаларнинг ноёб мутахассисларидан ҳисобланади. Олимнинг қатор монографиялари ва илмий-оммабоп китоблари чоп этилган.

Мирсодиқ Исҳоқов бу йил 60 ёшга қаршиламоқда. Таҳририят заҳматкаш олимни муборак ёш билан қутлаб, унга бардавом умр тилайди. Олим журналнинг мазкур сониде «Зардушт машаққати ва ислом ҳақиқати» (24-бет) номли мақола билан қатнашмоқда.




Башариятнинг буюк кашфиётларидан бўлган ёзув ўтмиш билан бугунни, аждодлар билан авлодларни боғловчи мезон экани ҳақиқат. Меъморий ёдгорликлар, осори-атиқалар сингари кўлэзма манбалар ҳам ўтмиш шаҳодатидир. Бири моддий бойлик бўлса, иккинчиси маънавий меросдир. Маънавиятимиз мезони бўлган, турли замон, турли маконларда турли хаттотлар томонидан кўчирилиб китобат қилинган, бизнинг давримизгача етиб келган кўлэзма китоблар адабий, илмий, тарихий манбагина бўлиб қолмасдан чинакам санъат асаридир.

«Хат ярим илмдир» деган ҳадис бор. Хаттот хатнинг қоидаларини ўрганиб ўз имлосини мақбул қилдиргунга қадар тинимсиз машқ ва изланишлар, бедор тунлар ўтади. Шунинг учун ҳам хаттотнинг чеккан заҳмати азалдан қадрланган. Барча маданий марказларда хаттотлик мактаблари фаолият кўрсатган. Хаттотликка бўлган эътибор хаттотларнинг ўз хатлари устида узлуксиз ишлашларига, кўплаб хат турларининг пайдо бўлишига замин ҳозирлаган. Моҳир хаттотлар ҳарфларнинг шаклий кўринишларидан келиб чиқи уларни ифодалашда табиийлик мезонларига асосланган ҳолда сурат ва ёзувни омухта ифода этадилар.

Хаттотлик ва тасвирий санъат муносабати масаласи муҳим муаммолардан бўлиб, улар бир-бирига ақин, ўзаро боғлиқ ҳолда тақомилга эришган. Бу хусусият ҳар иккала санъатнинг моҳияти ва мақсадидан келиб чиқади. Ўтмишда хаттотликнинг ривожига у қадар тасиқ бўлмаса-да, тасвирий санъатнинг тараққиётида баъзи чигалликлар мавжуд бўлган. Хаттотлик ва мусаввирликнинг боғлиқлиги муайян ғоявий мақсадни ўз характеридан келиб чиққан ҳолда тегишли восита-анжомлар билан ифодалашда кўринади. Хаттот иши ёзма матн билан, мусаввирники эса тасвир, лавҳа билан рўйга чиқади. Хаттот чиройли хати ва матн билан фикрни етказса, мусаввир уни жозибали тасвир билан англайди.

Хат ва тасвири омухта этувчи мусаввир-хаттотларнинг имкониятлари бирмунча чекланган бўлади. Чунки ҳарфларнинг ҳаммаси ҳам тасвирланаётган нарсага асос бўлавермайди. Ҳарфларнинг шакллари сақлаш лозим. «Тасвир чикса бўлди» қабилида иш тутиш ўзини оқламайди. Чунки ҳар бир ҳарфнинг ўз шаклу шайи бор. Айрим ҳарфларнинг ш а к л л а р и н и чўзиш, мақсадга хизмат қилдириш мушкул. Улар ҳарфлик хусусиятини йўқотади. Уларнинг чўзиш мумкин бўлган қисмлари бор, холос. Мусаввир-хаттот асариде ёзув ва тасвир бир-бирини изохлаши, тўлдириши, маълум вазифа бажариши лозим бўлади. У



икки хил манзара кўрсатувчи кўзгуга ўхшаши лозим. Бир қараганингизда ёзув, яна бир қараганингизда тасвири кўра олишингиз зарур. Бунда хат бирламчи, тасвир иккиламчи ўрин тутиши табиий. Чунки бу хат орқали тасвири келтириб чиқариш санъати ҳисобланади.

Мусаввир-хаттотлар турли хат услубларини истифода этиш билан кўз ўнгингизда ажойиб манзарани жонлантириш қудратига эга бўлганлар. Улар ана шундай тасвирий хат намуналарини ҳар хил ҳажмда рангли ипак қоғоз, атлас, гилам кабиларга солишга уста бўлишган. Кўпинча муқаддас исломий тушунча ва ибораларни, «Аллоҳ» ва «Мухаммад» сўзларини, калимаи шаҳодат ва Аллоҳ исму сифатларини доира, бурчак, эллипс, трапеция, ромбсимон шаклларда ифодалашган. Хат битиш мусобақалари хаттотларнинг хатта ва тасвирга бўлган муносабати ҳамда дидини оширган. Энг яхши хаттотлар рағбатлантирилган. Уларнинг ишлари юқори баҳоланиб, савдога қўйилган. Ҳатто бебаҳо битиклар бозори ҳам бўлган. Муҳими, хаттотлар бу ишга меҳрини, ақлу заковатини қўшиб заҳмат чекишган.

Шу ҳақда эл орасида бир ривоят ҳам юради. Бағдодда хат бозорига келганлар доим бир гўзал битикка харидор бўлишаркан. Бу хат эгасининг битикларини «бозорнинг олди» экан. Хаттотнинг душмани хаттот бўлиши табиий. Қилқалам хаттотнинг душманларидан бири уни юрт ҳукмдорига ёмонотлик қилиб, бўйнига айб қўйиб, ўнг қўлини кесдиради. Улар «Энди бозорда фақат бизнинг битикларимиз ўтади», — деб шуд бўлишади. Лекин кейинги ҳафта яна оҳорли битиклар кела бошлабди. Буни ким ёзаяпти экан, деб улар хайрон. Шогирдларидан бири бўлса керак, деб ўйлашибди. Айғоқчи қўйиб билишсаки, у чап қўли билан ёзаётган эмиш. Душманлари яна тинчишмабди. Бошқа бир айб билан чап қўлини ҳам кесдиришибди. Кейинги ҳафта бозорга яна унинг битиклари келаятганмиш. «Бу ким бўлди экан?» — деб улар таажжубда эмишлар. Аниқлашса, у қаламини лаблари орасига қимтиб, оғзи билан ёзаётганмиш...

Бу ривоятдан англашилаяптики, хаттот хатта қалб кўрини қўшмаса, кўнгилдагидек битик чиқаролмас экан. Хаттотларнинг қўли, бармоқлари, ўткир, синчков назари юрак амрига бўйсундирилгандагина унинг хати халқ қалбидан жой олади, санъати эъзоз топади.

**Раҳимбой
ЖУМАНИЁЗОВ,**
Абдулла Қодир
ий номидаги
Тошкент давлат
маданият
институту
доценти





Қаҳрамон РАЖАБОВ,
тарих фанлари номзоди

Туркистон минтақасида 1918-1924 йилларда мустабид совет режимига қарши маҳаллий миллат вакиллари ҳаёт-мамонт жанглари олиб боришиди. Туркистонликларнинг миллий истиқлол ҳаракатиға халқнинг турли табақаларидан чиққан қўрбошиларнинг бошчилик қилишиди. Улар

сиймосида беклар ҳамда дин намояндалари билан бир қаторда жасур ва ботир йигитлар тисмоли мужассамлашган эди.

Қўрбошилар номига ўша пайтда бир юз ўттиздан ортиқ турли сифатлар қўшиб айтилганки, булардан биз уларнинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий ҳолати, касб-кори ва мавқеини билиб оламиз. Қўрбошилар исм-шарифларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бу номларға қўшиб айтилган «бек», «бий», «хон», «шоҳ», «тўра», «мир», «саид», «хўжа», «бой», «бойвачча», «абдул», «қул» сўзлари қўрбошиларнинг аждодлари ким бўлиб ўтганидан дарак берса, «амир ал-муслимин», «амир-лашкарбоши», «ислом лашкарбошиси», «лашкарбоши», «саркарда», «сардор», «қўрбоши», «понсон», «тўқсабо», «тўпчибоши», «мингбоши», «юзбоши», «додхоҳ», «девоубеги», «қоровулбеги», «парвоначи», «мирохўр», «амин», «қўмондон», «командир», «эллиқбоши», «оқсоқол», «саркор», «пошо», «човуш» унволари уларнинг асосан йирик амалдорлар, ҳарбий қўшиллар ҳамда гуруҳ бошлиғи бўлганлигини билдиради.

Зиёли қўрбошиларнинг исмиға «мулла», «домулла», «домла», «эшон», «судур», «ўроқ», «сўфи», «қози», «муфтий», «ҳожид», «авлиё», «пир», «охун», «қори», «халифа», «махдум», «махсум», «афанди» сифатлари қўшилса, ўз жасурликлари билан халққа манзур бўлган истиқлолчиларнинг бошлиқлари «пахлавон», «полвон», «фидойи», «баходир», «ботир», «қаҳрамон», «ғозий» деб эъзозланган. Айрим қўрбошиларнинг номларига «деҳқон», «мироб», «мирзо», «карвон», «қассоб», «пайвандчи», «мешқобчи», «ёғчи», «симчи», «бахши», «табиб», «мерган», «милтиқсоз», «уста» каби касб-корни билдирувчи атамалар, бошқаларига нисбатан «ўзбек», «қирғиз», «қозоқ», «турк», «қарлук», «қалмоқ», «нўғай», «метан», «лакай», «ёвмут», «жунаид», «ўрус», «лўли» каби этник атамалар, оила ва жамиятдаги ўрнини белгиловчи «бола», «ака», «оға», «қиз», «ота», «бува», «чол», «тоға», «сағир», «кичик», «катта», «ёр», «жўра» иборалари ишлатилган. Ҳатто уларнинг номларига жиҳсоний камчилигини билдирувчи «кўр», «қал», «чўлоқ», «оқсоқ», «пучук», «тиртик», «қўтир», «демона», «чувак», «бўқоқ», «дардак», «гажак», «жинжак», «соқол», «қулоқ», «оқ», «қора», «сарик» каби сўзлар ва эшитганда одамнинг бадани сесканадиган «гадой», «ўғри», «жаллод», «лахад», «мурдашўй», «шайтон» лақаблари ишлатилмади.

Истиқлолчилик ҳаракатиға Фарғона водийсиде Кичик Эргаш, Катта Эргаш, Мада-

минбек, Шермуҳаммадбек, Ислол Полвон, Ёрмат Махсум, Самарқанд вилоятида Очилбек ва Баҳромбек, Бухоро ҳудудида Иброҳимбек, Анвар Пошо, Салим Пошо, Мулла Абдулқаҳор, Давлатмандбек, Фузайл Махдум, Хоразмда Жунайидхон каби ҳарбий қўмондонлар бошчилик қилган. Архив ҳужжатларининг далолат беришича, йирик қўрбошилар ўз байроқлари, туғлари ва муҳрларига эга бўлишган. Олий бош қўмондоннинг алоҳида байроғи (ялови) бўлган. Бундай байроқлар Бухоро ва Хоразм қўмондонларида ҳам сақланган. Туркистон Миллий Бирлиги ташкилотининг Самарқандда бўлган конгрессида (1921 йил 6 сентябрь) Туркистон Миллий байроғи қабул қилинди. Миллий байроққа қорахонийлар ва салжуқийларнинг XI асрдаги байроғи намуна қилиб олинган эди. Байроқни тайёрлаш ишида Закий Валидий, Мунаввар қори, Тўракул Жонузоков фаол иштирок этган. Байроқ қабул қилинган 6 сентябрь кунини миллий байрам деб эълон қилишға қарор қилинган.

Ушбу байроқ Туркистон минтақасидаги истиқлолчилик ҳаракатининг ягона байроғи сифатида эътироф этилган. Туғ ҳокимият рамзларидан бўлиб, у от думидан ясалган. Туғни қўрбошиларға уламолар тақдим қилишган. Жанг пайтида байроқ (ялов) ва туғни кўтариб юривчи аскарлар байроқдор, яловбардор, туғчи, аламдор, аламқаб деб аталган. Истиқлолчилар учун жанг майдониде туғнинг аҳамияти рақиб томон қўмондонининг асирға олиниши ёки ўлдирилиши-

дан кам бўлмаган. Кичик қўрбошилар ва понсонлар йирик қўрбошилар қўл остида хизмат қилгани учун уларнинг алоҳида байроқ ва туғлари йўқ эди.

Архивларда сақланиб қолган манбаларнинг гувоҳлик беришича, Қизил армия қўмондонлигининг махсус ташкилотлари истиқлолчилик ҳаракати мавжуд бўлиб турган даврда нафақат унинг асосий дохийлари, балки ҳаракатнинг бутун таркиби фаолиятини синчиқлаб кузатиб турганлар. 1923 йил ноябрда Туркистон fronti қўмондонлиги махсус бўлимининг ходимлари томонидан тузилган ана шундай «мутлақо махфий» ҳужжатларнинг бирида



Суратларни
Комил ЖОНТӨВ
ишлаган

ТУРКИСТОН ҚЎРБОШИЛАРИ ҚИСМАТИ



Туркистон минтақасида қизил армия ва совет режимига қарши курашаётган кўрбошиларга, жулмадан, Фарғона водийсидаги 181 та (Кўконда — 33, Марғилонда — 66, Наманганда — 46, Андиждонда — 24, Олой воҳасида — 6, Ўш уезида — 7) кўрбошига тавсифнома берилди. Мазкур ҳужжатда кўрбошиларнинг кучли ва ожиз томонлари, аҳолининг уларга нисбатан муносабати кўрсатилади. Юритган сиёсатларига қараб улар уч табақага ажратилган. Кўрбошиларнинг бу таснифи большевикларнинг махфий хизмат ходимлари томонидан тайёрлангани учун уларнинг ҳаммасига «халқ душмани», «ашаддий бандит» деган ёрликлар ёпиштирилган. Шундай бўлишига қарамаздан, ушбу ҳужжатда кўрбошиларнинг шахсий ҳаётлари ва шакл-шамойиллари ҳақида оз бўлса-да, ҳақиқат унсурлари учраб туради.

Бу ҳужжат Россия давлат ҳарбий архиви ва Фарғона вилояти давлат архиви фондларида сақланади. Мазкур нодир ҳужжат энг аввало бизга Фарғона водийсидаги 181 кўрбошининг исм-шарифини ошкор қилади. Бу кўрбошилар Фарғона қўшинларининг кўмондони Тодорскийнинг буйруғи билан 1923 йил 12 ноябрда қамоққа олинган эди. Кўрбошиларнинг аксарияти жангларда асир олинган ва бир қисми ўз ихтиёри билан таслим бўлган ҳолда, уларнинг иши ҳарбий трибуналга зудлик билан оширилади. Трибунал уларнинг дастлаб бир қисмини отишга буюриб «муруват» кўрсатган бўлса, 1925 йил ва ундан кейинги даврда барча таслим бўлган кўрбошилар ҳамда уларнинг йигитларини отиб ташлаш ҳақида ҳукм чиқарди. Бу шафқатсиз ҳукм кечиктирилмасдан ижро этилди.

Афсуски, шולי курмаксиз бўлмаганидек, кўрбошилар орасида ўз манфаатини юрт озодлигидан устун қўйган хонлар ҳам бўлган. Совет чекистлари томонидан «кўрбоши» никоби остида махсус тайёргарликдан ўтказилиб, истиқлолчи дасталарига ташланган сотқинлар борлиги ҳам рост. Масалан, Наманганда ҳаракат қилган Ёқуббек кўрбоши ўз жонини омон сақлаш учун Омон Полвонни чекистлар қўлига топширади. Лекин бу жузвий ҳолатлар кўрбошиларнинг ёрқин сиймосига соя ташлай олмайди.

Кўрбошилар сиймосини тиклашда хорихда яшаган ватандошларимиз ва туркиялик тарихчилар муҳим ҳисса қўшишган. Масалан, Тукил «Фарғона мужоҳидлари» асарида Шермухаммадбек бошчилигидаги 8 минтақа кўмондонлари қўл остида ҳаракат қилган 65 нафар кўрбошининг исм-шарифини келтиради. Унинг таъкидлашича, Фарғона мужоҳидлари орасида «генерал» унвони соҳиби бўлган 125 кўрбоши бор эди. Шаҳобиддин Ясавийнинг «Туркистон аччиқ ҳақиқатлари» китобида Туркистондаги 114 нафар кўрбоши фаолияти ҳақида ноёб маълумотлар берилди. Боймирза Хайитинг тадиқотларида Фарғона водийсида ҳаракат қилган 9 лашкарбоши ва 69 та йирик кўрбошининг номлари берилган. Мусо Туркистонийнинг «Улуғ Туркистон фожиаси» асари ҳамда Шермухаммадбек ва Валидий хотираларида ҳам кўплаб кўрбошилар ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

Туркиялик тадиқотчи Али Бодомчининг «1917-1934. Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Кўрбошилар» китобида Фарғона водийсида Шермухаммадбек раҳбарлигидаги 9 та кўмондон бошчилигида ҳаракат қилган 78 та кўрбоши, шу-

нингдек, 150 та таниқли понсод, Шарқий Бухорода Иброҳимбек бошчилигидаги 27 та кўрбоши, Самарқанд вилоятидаги 8 та кўрбоши, Хоразмдаги 3 та кўрбоши, ҳуллас, Туркистон минтақасидаги 125 йирик кўрбоши ва 150 та понсод ҳақида муҳим маълумотлар берилди. Али Бодомчи бу маълумотларни Шермухаммадбек ва Нурмухаммадбекнинг хотиралари ҳамда бошқа манбалар асосида келтиради.

Истиқлолчилар ўз сафларидаги ҳарбий уюшқокликни мустаҳкамлаш мақсадида қўшиннинг мураккаб тузилмаси — раҳбариятини ишлаб чиққан эдилар. Олий бош кўмондоннинг нуфузли кўрбошилардан ўринбосарлари бўлиб, улар «лашкарбоши» деб аталган. «Лашкарбоши»дан кейин турадиганларга «кўмондон», «тўқсабо», «тўпчибоши», «қоровулбеги», «мингбоши», ўртача даражадаги сардорларга «юзбоши» ва бошқа ҳарбий унвонлар берилган. «Кўрбоши» унвони одатда «генерал» даражасига тенг бўлса, «понсод» эса «полковник» билан баробар бўлган.

Кўрбошиларнинг фаолиятида ҳарбий қўшин муҳим ўрин тутди. Қўшин асосан халқ орасидан чиққан йигитлардан (Бухорода қисман амир сарбозларидан) иборат бўлиб, уларнинг аксарияти ҳарбий тайёргарликни бевосита жанг майдонларида ўташган. Истиқлолчилар қўшини қизил аскарларга қарши ялпи ҳужумга ўтганда туркий халқларда мавжуд бўлган қадимги аънамага кўра, қўшин ўнг ва сўл қанотлар ҳамда марказга ажратилган. Мавжуд шарт-шароитлар ва ҳарбий-сиёсий вазият тақозосига кўра қўшин кўпинча муайян кўрбошилар гуруҳлари бошчилигида жангларда партизан уруши тактикасини қўллаганлар. Партизанчилик бутун ҳаракат тарихи даврида етакчи роль ўйнаган. Бундан ташқари истиқлолчилар майдон жанги, қуршовга олиш ва муқобил тўқнашув каби жанг шакллари билан босқинчиларга қарши кураш олиб борганлар.


Шундай қилиб, кўрбошилар истиқлолчилик ҳаракатининг ҳарбий раҳбарлари сифатида ўз тарихий вазифаларини бажардилар. Кўрбошилар томонидан махсус ташкил қилинган кўрбошилар қўрултойи ва истиқлолчилар қўшинининг раҳбарияти ҳарбий ҳаракатларни олиб бориш ва душманга қарши курашда муҳим роль ўйнаган. Минг йиллар давомида аждоқларимиз томонидан шакллантирилган ҳарбий санъатдаги туркона руҳ XX аср биринчи чорагида сўнгги марта ёрқин равишда намоён бўлган эди.

Кўрбошиларнинг ҳарбий ташкилоти ва сиёсий ҳокимияти бунда муҳим ўрин тутди. Хусусан, Кичик Эргаш, Катта Эргаш, Мадаминбек, Шермухаммадбек, Ислон Полвон, Иброҳимбек, мулла Абдулқаҳҳор, Давлатмандбек, Жунайидхон каби йирик лашкарбошилар ҳамда туркиялик Анвар Пошо, Салим Пошо ва бошқа кўплаб ҳарбий кўмондонлар — ҳаракат сардорларининг сиёсий қиёфалари, уларнинг ўй-аъмоллари, Ватан ва юрт мустақиллиги йўлида чеккан азоб-ўқубатлари, шахсий ҳаётлари, сувратлари ва сийратлари, фазилатлари ва камчиликлари, пировардида, Туркистон тупроғида шахид бўлишлари, тирик қолганларнинг муҳожирликдаги машаққатли ҳаётлари, бир сўз билан айтганда, кўрбошиларнинг шахсияти ва серқирра фаолияти бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Уларнинг жасорати мус-

тақил Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Ватанини севиш ва ардоқлашга, керак бўлса, юрт тинчлиги ва хавфсизлиги йўлида ўз жонини фидо қилишга даъват этади.



Мустафин Усман Ялвас. Озоддан Ўзбекистон армияси 21. Туркларнинг 5 100. ОШ 21-25 сентябрь 1924. 1924 йили 10-кўрбоши ва ёрдамчи раҳбар.





САНЪАТ УЧУН ТУФИЛГАН

Шундай дейишди истеъдодли ижодкорлар ҳақида гап кетганда. Атоқли кино ва театр режиссёри Латиф Файзиев тўғрисида ҳам ана шундай фикр билдиришди, дўстлари-ю ҳамкасблари.

Отаси Обид ака XX аср 40-йилларининг бошларида санъаткорлар уюшмасига раис эди. У ниҳоятда шинаванд, ташкилотчи инсон бўлган деб эшитганман. Унинг ўта ватанпарварлигига эса шак-шубҳа йўқ. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши биланоқ ўз ихтиёри билан жанггоҳга кетган. Аммо бахтга қарши орадан кўп ўтмай ундан қорахат келган. Бу мусибат ур боласи билан бева қолган Хожар опани оғир иктисодий-маънавий аҳволга солиб қўйган бўлса-да, бироқ ҳимоясиз қолмаган. Тўнгичи Латиф онасининг жонига оро кириб, оғирини енгил қилган. Ун икки яшар болакай онасининг «болам, энди новвойчилик билан тирикчилик ўтказамиз» деган сўзини икки қилмай, ҳар куни Жар кўчадаги тегирмондан халтада ун олиб келар,

сахарлаб онаси ёнган нонларни гузардаги чойхонада сотиб, онали тебратшига кумаклашар эди.

Хожар опа қора қозон қайнамай қолишидан чўчимаса ҳам, Латифнинг олий маълумот олмай қолишидан, айниқса, санъаткор бўлмаслигидан хавфсирар эди. Шу сабабли ўйлаб-ўйлаб, охири Эски Жўвада жойлашган Ёш томошабинлар театрига бориб ота кадрдонлари билан учрашди. Улар Латифни кўриб, болалар театри учун кичик ёшдаги ижрочилар кераклигини айтишди ва отасининг хурмати туфайли театрга ишга қабул қиладилар. Афандихон Исмоилов, Обид Толипов, Учқун Раҳмон каби етук актёрлар Латифжонни артистлик сир-синоати билан таништириб, оғаларча ғамхўрлик қиладилар. Натижада зийрак Латиф кўп ўтмай репертуардаги кичик-кичик ролларни ижро эта бошлади. Театрнинг ўша вақтдаги бош режиссёри Жавод Обидов боладаги истеъдодни кўриб, Тошкентда эндигина очилган Театр санъати олийгоҳига ўқишга тавсия этади. Аммо Латиф театр артистидан кўра кино артисти бўлишни орзу қиларди.

Сабаби, у болалигида отаси билан ўша йилларда жуда машҳур бўлган талайгина фильмлари қайта-қайта кўриб, кино санъатини севиб қолган.

Нима қилсин, Ўзбекистонда ўша йиллари кино соҳасида олийгоҳ йўқ эди. Кинорежиссёр тайёрлайдиган даргоҳ фақат Москвада борлигини эшитгач, онаси билан маслахатлашиб, ўқишга кетишга аҳд қилди. Онаси билан маҳалласидаги Тошкент — Москва йўналишида ишлайдиган темир йўл ходимига учрашдилар. У Латифни ўзи билан Москвага олиб кетишга ваъда беради. Москвага келгач, тўғри олийгоҳга эмас, балки «Мосфильм» студиясига боради ва у ерда Иван Савченко деган машҳур режиссёр билан тўқнаш келиб, ўз орзусини баён этади. Тасодифни қарангки, режиссёр Савченко худди ўша йиллари «Учинчи зарба» ва «Тарас Шевченко» фильмларини суратга олишга тайёргарлик кўриб юрган экан. У яратаётган фильмлари учун шарқона қиёфали йигит керак эканлигини кўз олдига келтириб, Латифнинг ўз фильмларида иштирок этишига ва олийгоҳга киришига йўл очиб беради. Шун-

Шеърлар

Биздан озод Ватан қолади

Кутлангиз дўст сўзин, магар йўқ вафо,
Ардокланг меҳрни, меҳр сўз эмас.
Худо шифо берсин, сабрдир шифо,
Соғлик ҳам ҳар доим сизга дўст эмас.

Бахт сўзин кутлангиз, токи бахтли бор,
Кайғуни қадрланг, бахтсизлик эмас.
Шодон кунлар берсин, токи омад ёр,
Омад отлик эмас, тахтсизлик эмас.

Биздан озод Ватан қолади, мудом —
Элни кутланг, дилда Ватан ободдир.
Эрк, омад, тахту бахт излаган одам,
Юртидан топгайдир — Инсон озоддир!

ҲОЛ

Нур киради уйимга,
сўз келади уйимга,
жўр бўлмоқ мажбур эмас,
мунглигина куйимга,

чақалоқнинг сўзидек,
бўталоқнинг кўзидек,
чашма қайнаб ётади,
ўзи хондир, ўзи бек,

ўтган бир кўз ташларов,
балки қавмин бошларов,
чашма деган, кўз деган,
қулиб, ўзин ёшларов,

шоирманми дейман мен,
чашма ғамин ейман мен,
зар чопонни кўя тур,
ярашмаса, киймам мен,

осмон чўкиб ботади,
юлдуз қайнаб қотади,
чашма ерни кўтариб,
ташна бўлиб ётади.

ОТ

От келади ариллаб,
осмонларга зориллаб,
боши савдони ёриб,
шамолларда пориллаб.

Соҳибининг товони,
бигиз — оғритар жонни,
тулпор ўзин синайди,
синов кунни осонми?

Ё, яратган Эгам деб,
ўзинг ёлғиз ҳакам деб,
ёлворади икковлон,
йўқдир укам, акам деб.

От изи кўлмак бўлар,
сахрода илҳақ бўлар,
ғам еганининг устидан
кажрафтор қулмак бўлар.



Йўлдош ЭШБЕК

Тишни тишга кўяди,
тушни ўнгга йўяди,
от кўзидан ой томиб
йўлларини бўяди.

Йил юлолмас бурдини,
ким унутар юртини,
силтанганда жонивор
сувлик йиртар уртини.

Ғам отли йўлдоши бор,
кўксига кўеши бор,
ойни ўнгариб келар
алпнинг не қиёси бор!

дай қилиб, Латиф 1948 йилда «Учинчи зарба», 1950 йилда «Тарас Шевченко» фильмларида роль ижро этади. Савченкога ассистент бўлиб ишлаш бошлайди. Шунинг билан кино соҳасида Латиф Файзиевнинг омадди юриши 50-йиллардан бошланади.

Машхур рус режиссёрини Латиф Файзиевдаги истеъдоддан ташқари адабиёт соҳасидаги мушоҳадалари ҳам жалб этган эди. Кези келганда шуни очиқ айтиш керакки, Латиф Файзиев ўзбек адабиётини жуда яхши билар, тафаккур ва тасавури бой, қалами ўткир инсон эди. Чамаси ўша вақтдаёқ устози шогирдининг бу лаёқатини тўғри фахмлаган ва шу сабабли Ойбек, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор асарларини кинофильм қилиш учун шогирдига йўл-йўриқ кўрсатган эди...

Савченко «Кутлуг қон» ва «Бой ила хизматчи» драмалари асосида қандай фильм қилиш мумкинлигини ҳам Латиф Файзиевга бир неча бор ўқиради. Уни асар қаҳрамонларининг ранг-баранг тақдири ҳаяжонга солган эди. Спектаклдаги Солиҳбой, Ҳожи она, Хонзода, Пошшаойим, Гулбаҳор, Холмат, Гофир каби образлар дунё миқёсидаги драматик образлар ҳисобланса арзигулик эди. Латиф Файзиев бу асарларни отаси билан 1939 йилда — биринчи марта кўрганидаёқ Обид Жалилов, Сора Эшонтураева, Лутфулла Нарзуллаев, Ҳикмат Латипов, Миршохид Мирзиқолов, Холида Хўжаева, Замира Ҳидоятова каби

машхур ўзбек актёрларининг ижросини экранда гавдалантиришни кўнглига тулган эди. Шу боис Москвадан қайтиши биланоқ илк бор суратга олган фильми «Бой ила хизматчи» бўлиб, ундаги актёрларнинг ҳаммаси ўз қаҳрамонларини мукамал кўрсатишга муяссар бўлган эдилар.

Латиф Файзиев Ойбек домланинг «Кутлуг қон» асарини суратга олишга тайёрланарди. Айниқса, романдаги қаҳрамонларнинг ранг-баранглиги, тақдирлар кураши уни ўзига жалб қилганди. Сценарий устида иш бошлагандаёқ, Ойбек домла билан бир неча бор учрашган ва экранда қайси жойларга алоҳида ургу беришни маслаҳатлашиб олган эди. «Кутлуг қон» ўз вақтида томошабинлар томонидан яхши қутиб олинди. Мутахассислар ҳам фильмга юксак баҳо бердилар.

Латиф Файзиев ўша даврдаги энг катта асарлар экран юзини кўришига сабабчи бўлган режиссёрлардан биридир. Хусусан, Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» асари ўша йиллари сахна юзини кўрган ва томошабинларга манзур бўлган бўлса-да, аммо драманинг киноасар сифатида ўзига хос талқинлар билан дунё юзини кўришида Латиф Файзиевнинг хизмати катта, деб биламан. Улуғбек талқинига Шукур Бурхонов, Хўжа Аҳрор тилсолига Олим Хўжаев тақлиф қилинганди. Ҳар икки санъаткорнинг иштироки фильмнинг муваффақиятини таъминлади, десам мубо-

лага қилмаган бўламан. Чунки

Шукур Бурхоновда Улуғбекдаги шоҳона салобат, тафаккур, кенглик, қатъият, Олим Хўжаевда Хўжа Аҳрордаги зодагонлик, оксуяклик, руҳонийлик ёрқин кўринган эди.

Хуллас, Латиф Файзиев кино билан миллий адабиёт алоқасини мустаҳкам боғлаган, хорижий кино усталар билан ҳамкорликни бошлаб берган ёрқин истеъдодли режиссёр, она тилида эркин ва ўткир ёзадиган қаламкаш сифатида миллий маданият тарихида қолди. Орадан талайгина йиллар ўтишига қарамай, у яратган фильмларни томошабинларнинг қизиқиш кўришлари фикримизга далилдир.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон халқ артисти



Бедазор, шамол ва байроқ

Бедазор мавжляниб турар оҳиста. Қирғоқда сочлари байроқдай бола. Бизнинг байроғимиз кўкда ҳамisha, бизнинг байроғимиз қирқиб олинган — хуш кўкдан, денгиздан йиртиб олинган гўзал мавждир, рангин шалола, атлас шамоллардан кесиб олинган куйдай шамоллардир, куйдай жамола! Семурғлар, хумолар, анқолар кўнар уммондай мавжланган буғдойзорларга, уфқда улкан бир мусикор унар, тухумлар юлдуззор ва ойзорларга. Гарчи оқ булутлар гўзал панжара, кўкдан кўринади ажиб манзара; камалок жилоли байроқ тутган юрт — осмонни тўлдириб айтар мадх, суруд!

Дунё

Анов тоғнинг ортидан дунё ўтиб боради, ҳақ элининг юртидан куйган дил ёлборади:

Дунё ўтар, дил қолар, ёра бу кўнгил қолар, ҳар ўрқачининг пастига осилган жоҳил қолар.

Ёйдай эгик қошлара, ўқ отади бошлара. Шаффоф тоғлар йиғлайди, бағрида йўқ тошлар!

Нурота

Кўз ўнгимда бу кенг яйловлар, уфққа туташган даштлар, далалар, адирлар ва тоғлар... нурбахш оловлар каби ёндирарди, яна аллалар, адақлаб ўстирди мени бу кенглик, шурқрим, алдамай улғайтди... аччиқ, мен нодон қайлардан ахтардим тенглик, тенглик — тенгсизликни ечмоқдир очиқ, тенглик — бу кенглиқдир, сабр, матонат, жасорат эмасми тоғдай қаноат?! Бу тоғлар ганжини қилмишдир закот — мўмингами? Афсус, отилди нур от... Бошимни урайн қайси тошга мен, заҳматдай кўксингиз — юшмоқ тошингиз, меҳрингиз тош ёрган булоқларга тенг, дарёларга тенгдир, юртдош, ёшингиз! Менинг атрофимда кўшиқдай водий, куйдай янграб ётар заъфар гуллари, янтоқлар, ёвсанлар навоси содик, эслатар булбуллар ишқда тулларни, кавшана-кавшана кетишар сингиб уфққа сояси тоғдай туялар, менинг кўксим ичра нимадир синиб, юртдай чўнг соялар маҳкам уй олар. Эгилган лоланинг гул япроғида товланар минг рангда бир томчи порлоқ, шуълалар яйрайди дил титроғида, ошиқлар қонида бу бахтли титроқ! Самарқанд-Бухоро қадар чўзилган, нур ато этилган ота Нурота, чўнг темир тошларга тегиб узилган довшингдан ўргилай, сато Нурота! Кўзигулдай дилдир ўсган кўзингман, дуторингман, балки дардди сўзингман, Зар бандингга туташ битта тошингман,

Йўлдош Бойтўбингман, ё адошингман... Бу тоғлар бағрида қўйлар боқдим мен, гулханлардан учган юлдузга боқдим — юлдуздай кўчдим мен, нурдай балқдим мен — ойнинг ёноғида лабимни ёқдим!

Оқтоғ билан Қоратоғ

Йўлим учар сен томон, қўшлардан ҳам ўзолсин, кимки бермаса омон, чўккан тоғлар кўзголсин!

Дарахтлар ёнбошлади — қаттиқ шамол. Муз. Бўрон. Тошнинг ҳам борми қалби — инграр, чекар изтироб.

Зоминнинг қўлларида кизғалдоқлар ёлворди, Қўшработ йўлларидай тоғларга туташ бордим.

Кўхна Форис тангридан менга жим тилар оқ йўл, ойни олиб бағрига хўрсинар Фозилжон — қўл.

Оқтоғ билан Қоратоғ — Нуротанинг қаноти, оқ шамол, қора шамол курашидир ҳаёти.

Йўлим учар сен томон, нур тулпорлар ўзолсин, Оқдарё, Қорадарё — бу Зарафшон, кўзголсин!

Хонандалик санъатидо ривожланди

Ширали овози, мазмундор, жилвагар кўшиқлари билан барчани ўзига ром этган санъаткорлардан бири сўзсиз Берта Давидовадир. Санъатда ярим асрдан ортиқ фаолият кўрсатиш ва элнинг сеvimли хонандаси даражасига эришиш барчага ҳам nasib этивермайди. Берта Давидова ўзининг истеъдоди ва машаққатли меҳнати билан бу ҳурмат ва эътиборга эришди. Бунда унинг устозлари меҳнати ҳам бор. Зеро, ҳарбий касалхонада оддий ҳамширанинг истеъдодини аниқлаганлар ҳам ана ўшалардир.

Бундан қарийб 60 йил илгари, 1943 йили ҳарбий госпиталга концерт бериш учун борган устоз санъаткорлар Имомжон Икромов ва Юнус Ражабий унинг истеъдодини дарҳол пайқаган эдилар. Шу боис бу қизни Ўзбекистон радиоси қошидаги Мақомчилар ансамблига ишга таклиф этишган. Ўзлари уни тарбиялаб, вояга етказиб катта санъатга олиб кирганлар. Ижодкор ушбу даргоҳда ўз даврининг моҳир созанда-ю хонандалари, бастакорларидан маҳорат сирларини ўрганди. Юнус Ражабий, Имомжон Икромов, Фахриддин Содиқов, Саиджон Калонов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Ориф Қосимов, Фанижон Тошматов каби устоз санъаткорлар билан бирга ишлаб, улар куй басталаган ашулаларни маромига етказиб ижро этди. Устозлари ёзган «Субҳидам», «Қиз севгиси», «Тонг кўшиғи», «Тамошо қил», «Дилнавозим», «Чаман ичра», «Навоийга», «Гул рози», «Ассалом», «Гулистоним менинг» каби ашулалари шинавандалару амалиётчи мутахассислар орасида шўҳрат қозонди. Сабаби, у ҳар бир асарни юксак савияда ижро этишга, руҳиятини очишга, уни тингловчи қалбига етказишга ҳаракат қиларди.

Берта Давидова ижро санъатининг сири шундаки, у 1940-50 йилларда ўзбек ва тожик мақом йўлларидаги асарларнинг ижро йўлларини мукаммал ўзлаштира олди. Устоз хонанда-ю созандалардан ижод ва талқин сирларини ўрганиш орқали ижрочилик фаолиятининг илк даврларида «Тановар 1-2», «Талқини Баёт», «Сарахбори Оромижон», «Уфари Ушшоқ», «Уфари савти наво», «Чапандози Қаландар» каби кўшиқларни айтиб, элга манзур қила олди.

Хонанда ўзбек радиоси қошидаги тожик мақом ансамблининг раҳбари Шоназар Соҳибов раҳбарлигида ундан ортиқ мақом йўлларидаги асарларни ижро этади. «Чапандози Наво», «Таронаи Баёт», «Уфари Ироқ», «Уфари Уззол» каби ашулалар шулар жумласидандир. Берта Давидова устоз Юнус Ражабий раҳбарлигида «Шашмақом» таркибидаги ашула йўлларининг барча шўъбаларини ўрганди ва ансамблда ижро этишга муваффақ бўлди. Ҳатто Юнус Ражабий раҳбарлигида «Шашмақом»нинг наср йўлларини пластинкага ёзишда фаол иштирок этди.

Эл ардоқлаган хонанда бутун умрини мақом ижрочилигига бағишлади. 40 йил Мақом ансамблида фаолият кўрсатиб, халқимизни аjoyиб кўшиқлари, оханграбо овози билан баҳраманд қилибгина қолмай, узоқ йиллар мобайнида Тошкент Давлат консерваторияси (ҳозирги Ўзбекистон Давлат консерваторияси) ва Маннон Уйғур номидаги Тошкент санъат институтида устозлардан олган билимини истеъдодли ёшларга ўргатди. Айни пайтда элимизга ўз хонишлари билан манзур бўлиб келаётган Муножот Йўлчиева, Хуррият Исроилова, Насиба Сатторова, Марям Сатторова каби эл севган хонандаларимиз Берта Давидованинг шогирдларидир. Халқимизнинг ардоқли хонандаси — Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидова 80 ёшга тўлдилар. Санъат аҳли, муסיқа ихлосмандлари у кишига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр тилайди.

Машраб ЭРМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист,
Ўзбекистон Давлат
консерваториясининг доценти



Вера Давидова – 80 ёида

Қамчик довоғи



Guliston





«Эна туг»

Мусаввир: Кошии ЖОНТОВ



Сенинг күзларингга келар хавасим

*Биламан, хәйтдан сенинг күнглинг түк,
Биламан, менга бахт кулиб боқмайди.
Сени қизиктирган хислатларим йүк,
Биламан, шеърларим сенга ёқмайди.*

*Менда шеърдан бўлак яна нима бор,
Хамма нарса сенинг бозорларингда.
Кечиб кетолмайман барибир, дилдор,
Узимни танирман озорларингда.*

*Ой – күзим олдида сарвайган япроқ,
Кузак – кипригимда лимтти тугучча.
Жисми – товонингда*

*топталган тупроқ,
Севгим – андуҳлардан яралган вунча.*

*Тунлар – кылогидида қолиб кетган сас,
Тонлар – вужудимни кезган*

*бир насим.
Туми, бошқасини билмадим, хуллас,
Сенинг күзларингга келар хавасим...*

*Ҳеч хижолат чекманг, азизим,
Кечирим ҳам сўраманг мендан
Оёқларим ростдан ҳам узун,
Кўлими эса калтадир чиндан.*

*Пошмангизнинг оғирлиги йүк,
Босаверинг сиз истаганча.
Сиз-ку оёқ босибсиз, ахир,
Юзим янчиб кетганлар қанча...*

Фахриддин Х.АЙИТ

Миллат ҳақида сўз

Дунёдаги барча миллатлар ҳар жиҳатдан ҳам теппа-тенг: бири бирдан ортиқ эмас.

Готхольд Лессинг
(немис мутафаккири)

Мараққиятнинг умумий кўлами, ҳар бир миллатнинг ўрни ўша миллат ўқиётган китобларнинг сони билан белгиланади.

Эдуард Лабуле
(француз олими)

Миллатнинг муҳим бойлиги унинг маънавий қиёфасидир.

Николай Чернишевский
(рус мутафаккири)

Кишининг қалби миллат учун тепаётган бўлса, у одам чинакам буюқдир.

Ромен Ролан
(француз адиби)

Миллатлар шарафини юқори мартабага кўтарадиган нарса миллионлар ила саналмоқда бўлган аскарлару дунёда энг буюк ва зўр бўлган кемалар эмас, балки... онладир.

Ризоуддин ибн Фахруддин
(татар олими)

Эл-юрт бирлашса, оз нарса ҳам кўпая боради, жанжал-можаро қилса, буюк неъматлар ҳам йўққа чиқади.

Гай Саллюстий
(Рим мутафаккири)

(қисса)

17

Лекин вилоят марказига жўнайдиган куни битта нарса унга шу қадар азоб берди, шу қадар ҳайрон қолдириб изтиробларга чўмдирдики, у қарахт бўлиб, меҳмонхонадаги пужинали диванга ўтириб қолди: ха, у ўзидан ҳайратда эди.

Нима дейсизки, маъмуриятда қирқ-қирқ беш йил ишлаб-киш-наб юриб, йўғини бор қилибди: ҳақиқатан ҳам рўзғори бут — камчилиги йўқ экан-у...

Аммо шу ўтган фурсат орасида ўзига битта... бир сидра ҳам костюм-шим олмаган, харид қилиб киймаган экан.

Ха-ха, ана диван-креслоларга кўшиб олгани стенд-шифонерда нуқул мишрабий формалари осиглиқ турибди! Эски шинелу шапкалару этиклар... Лейтенанту майору подполковник бўлган чоғларидан қолган формалари кўриққа қўйилгандек турибди.

Хатто ўша замонларда кийилган барча пойабзаллари — туфли, ботинка ва этиклари ҳам пастда сафлаб-тизиб-териб қўйилган-ки, булар эгасининг кўнабисот эканига қойил қоласан, киши.

Ха-да ахир: у милицияда курсант бўлиб иш бошлаган чоғидаёқ ва ниҳоят, мақсадига эришганига иқрор бўлгач, бу соҳага содик-садоқат ила хизмат қилишга ўзини беихтиёр бахшида этиб, истикболини ҳам шу йўлда кўрган эди. Аттанг, истикболда бир кун-мас-бир кун яна оддий, яъни формасиз фуқарога айланиши мумкинлигини ўйламаган экан.

Ха, демак, ўйламаган. Ана шунинг учун бўлса керак, формасизларга, яъни оддий одамларга, ўзининг элу элатига ва ҳатто тенгқурларига ҳам паст назар ила қараб ўрганган, балки шу боисдан ўғилларини ўқушга жойлаштирганидан кейин бу ёғига иззат-хурмат улардан бўлаверишига буткул ишониб қўйган экан. Балки шу боисдан улардан меҳр-оқибат кутавериш, уни кўрмай-вергач, ўғилларини битта-битта тутиб олиб, орқасига хивич билан савалашни ўйлагандир... Ишқилиб, нима бўлганда ҳам милиция формасида у истисно бир зот бўлиб, шу зотлигича қоладиган ва, демак, ҳаётдан кетадигандек экан-да!

Тавба, битта ёқали қўйлак... олган бўлса-чи? Битта ҳалигидай туфли. Ё дўппи...

Бўри Қора диванга чўкиб, изтироблар исканжасида ўтираркан, бу ўйларини бировлар билмаслигини Аллоҳдан тилади: кулги бўлади, холос йўқ, шарманда бўлар...

Дарвоқе, Бўри Қора энди Туполонсой соҳилларида истикомат қилиб келаётган каттаю кичик, ёшу қарининг биридир, холос. Демак, ўшалардек бўлиб, ўшалар мақомида кийиниб ва қадам ташлаб умргузаронлик қилиши лозим бўлади.

У бу ҳақиқатларни ҳали-боягина... Олчинбойни кутиш асносида ўйлаб қолган ва гарангиб меҳмонхонага, кўпинча ўзининг ётиб турадиган ётоғига кирганлан кейин шифонер олдида ўз ёғига қоврулиб... Олчинбой келавермади. Бўри Тўра энди уқаси Носир билан айовнда омонат ўтиришар, кампири ошхона эшигидан мўралаб турар эди. Қизил «Москвич» гаражидан чиқарилиб, бу ёқдаги дарвоза оғзига келтириб қўйилган, юкхонасида уч оёғи куликлаб боғланган тўқли бошини кундага қўйган каби тақдирга тан бериб ётар, унинг ёнида анча-мунча олма-анор солинган саватлар ҳам бор, машхур зиёфатдан қолган беш-ўн шиша ичимлик ҳам думалаб ётарди.

Ха, Носир полвон ақасининг топширигини аъло даражада ба-жариб бўлган, энди у билан хўшлашиши қолган эди.


Кўчага чиқаверишда ҳам ака-ўка бироз гурунглашиб туриб қолишди, тўғрироғи, Олчинбойни кутишди. У яна келавермагач, қайтиб болохонага кўтарилишди ва совуган кўк чойдан номига хўплаб ўтиришар эди. Бу вақтда Бўри Қора гоят башанг кийинган эди: эғнида яп-янги, шунга қарамай қиртишлаб чўтқаланган пальтоси, пальто елкаларида полковник погонлари ялтираб турар, хром этиги ҳам ўхшатиб мойланган эди.

Носир ақасига унинг кўпдан бери ёлчитиб машина ҳайдамагани, шу боис йўлда эҳтиёт бўлиш лозимлигини уқтираётганида, шогирд йигит халқ орасида «замқораловчи» номи-ла юришига гоят мос тушадиган қора формасида келиб қолди. Устоздан узр сўради-ю, унинг эғни-бошига термулиб қолди:

— Устоз, шу аҳволда кетаверасизми? — деб сўради.

— А, нима, — деб хўмрайди устоз. — Кўринишим... ёмонми? Ё кийим-бошим ярашмасдан қолдимми?

— Э, йў-ўқ, — деди чўзиб прокурор ўринбосари. — Шунчаки... Гапшундаки, устоз, бугун приказ келди. Юқоридан... Ўрнингизга одам тайинланмаган-у, приказ келди.



ЙИЛЛИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Бўри Қоранинг юраги шувиллаб, ичидан совуқ бир нарса сизиб ўтди. Ва галати энтиқиш-ла ўзини базўр кўлга олиб, мийигида синиқ жилмайди.

— Ҳа, энди шундай бўлар экан-да, — деди. — Ўлим ҳам ҳужжат-лаштирилади... — Ҳа, у ишонди буткул: ўша мўътабар ва севимли маҳкамасидан эндиликда бир умрга мосуво бўлган эди: ах, шафқат-сиз ҳаёт! — Ҳим, балки кулогинга чалинган чикар... ўрнимга келадиган одамнинг қимлигиниям эшитган чикарсам?

— Ижроқўм шофёрга бугун сахарда жаов бердим, — дея кўрпа-чада чордана қуриб олди Олчинбой ва Носирга ер остидан қараб қўйиб, устозга боқди. — Айтаверайми?

— Айт, айт. Бундан яшрадиган сирим йўқ, — деди Бўри Қора. — Айтмоқчи, қандай қилиб уни озод эта қолдинг? Узингми? Ё каттан ҳам аралашдимми?

— Бе, — деди Олчинбой. — Шунгайм аралаштиришим, устоз... Гапшундаки, шофёр йигит тонг гира-ширасида балиқчи чолни бо-сиб кетган. Чол ўлган. Шофёрнинг кайфи бўлган... Тамом. Стая тайёр! Лекин, устозим — дея қитмирона жилмайди Олчинбой, — чолнинг кампирни билан гаплашганимда маълум бўлдики, чол ичар экан, ҳатто уни алкаш дейиш ҳам мумкин экан. Сахарлаб Тўполонга кетаётганимда ҳам оз-моз кайфи бор экан. Иккинчидан, кампирни яхшилаб тергаб кўрсам, чолдан кўп озор кўргани маълум бўлди...

— А-а, — деди Бўри Қора. — Кампирни алдабсан-да? Шофёр нималарни ваъда қилди сенга?

— Ваъдаси катта, — деди бўлажак прокурор. — Лекин сўрамайман. Ҳозир под наблюдением чикардим ҳисоб. Туманда эркин яшаб туради... Кампирга келсак, уни мен эмас, шофёр алдади. Лекин ростини айтишми керак, шофёрга ўргатган мен бўламан...

— Ҳўш-ҳўш? — Ўша тонгда маст ҳолда, «ўзимни машина остига ташлайман», деб чиқиб кетган бўлади қария...

— Ў, ярамас, шум. Истиқболнинг порлоқ... Кампирга қанча берадиган бўлди?

— Менимча, минг сўмнинг нари-берисида. Шўрлик пулни яхши танимас экан.

— Бари ҳужжатлашдимми?

— Албатта.

— Каттан рози бўлди?

— Қойил бўлди.

— Омадингни берсин. — Бўри Қора биров мулоҳаза қилгач,

қўшимча қилди: — Лекин кейинчалик ҳам кампирнинг ахволидан хабар олиб турсин шофёрвачча... савоб бўлади. Эри ўлди-кетди. Қотилнинг камалиб кетишидан кампирга бир мирилик наф тегмас эди. Энди минг сўмлик бўпти. Буюм — яхши пул... Тўртта совлиқ олиб бир чўпонга қўйса, кунига ярайди. Ўлимлигим шундан чиқади... Олчинбой маъқуллаб тураркан:

— Ҳуллас, устоз, шофёр йигит билан тил топишиб қолдик, — деди.

— Ўшанинг айтишича, сизнинг ўрнингизга...

— Э, ҳа, шундан гапир! — деб юборди Бўри Қора. — Нима-нималарга қалғиб ўтирибмиз!

— Устоз, сиз райондагина эмас, областдаям бели бақувват ар-боллардан эдингиз...

— Ҳа, рост, — деди Бўри Қора ва хиёл ўксинди. — Нега бундай гапбошладинг? Ҳалиям фақир бўлиб қолганимиз йўқ, иним.

— Гапбошқа ёқда, — дея давом этди Олчинбой. — Раҳбарим прокурор бўлса, ғирт пролетар. Ўзингиз ҳам билиб юрибсиз... Мен ўша досьенинг бир нуҳасини Бошқармага ҳам жўнатиб қўйиб эдим... Қисқаси, устоз, шофёрнинг айтишича, райком Бошқармаю яна алламбалолари биргалашиб бир фикрга келишибди экан. Яъни сизнинг ўрнингизга, биринчидан, шу Тўполон атрофларида ўсган, халқнинг феълини яхши билладиган, ҳўжалигу сиёсатдан бохабар бўлган бир киши келар экан. Иккинчидан, у киши, албатта, ўзига тўқ бўлиши шарт экан...

— О, калласи бор экан уларнинг, — деб хитоб қилди Бўри Қора.

— Камбағал раҳбар олдин ўз тўрвасини тўлдиршини ўйлайди. Қолаверса, ундайлар шу мақсадда амалга интилади... Яширишининг ҳожати йўқ, бу ишлар ўзимизнинг ҳам бошимиздан ўтган-да, ўша йўллари босиб ўтиб келганимиз-да бу кунларга!

— Айтиб бергансиз, устоз, — деб ўтирган ерида таъзим қилди прокурор ўринбосари ва бошани адл кўтарди. — Гаптамом. Шундай одамни излашяпти экан.

— Ҳим, маъқул-маъқул. Топсинлар, топсинлар, — деди Бўри Қора қандайдир хурсанд бўлиб. — Халқ билан ишлаш қийин, ука. Айнисқа, мелисада, жазо маҳкамасида туриб... Ў-ў, сенга ёвлар кўзи билан қарашади. Бировнинг қўнглини топиш ўлимдан қийин. Қўнглини қолдириш учун бир гап қил... Айтмоқчи, — Бўри Қора Носирга ҳам ўқитиб деди: — Назар қассоб кечки махлук, Билдинги, Носир? Олчинбой, сен ҳам эшит, у ярамас Чиборга кўз тиккан. Билишимча, тишини қайраб юрибди.

— Ҳаққат рост гапни айтдингиз, устоз, — деб бирдан тасдиқлади Олчинбой. Яқинда қарилар чоҳноҳасида кабоблазлик қиладиган кэгэбэчи бола билан гурунглашиб қолиб эдим. Шу айтиб берди. Назар қассоб халиям Чиборингизни ўзиники, деб ҳисоблар экан. Бўрибой золимни қаргаганман, қарғишми тегади, дер экан.

— Бўри Қоранинг юраги туйкус беўшшов уриб кетган эса-да:

— Пишак-да, у пишак, — деди юзаки хотиржамлик билан. — Писакнинг қарғиши итга тегағимди, ука.

— Майли-да.

— Ҳўш, яна нималар дер экан?

— Шу денг, битта хангомани кўп қайтариб айтар экан. Хе, Хурушов замонда шахсий отлар тортиб олина бошланди-ку? Шу, шу. Ўша вақтларда Тўполонга қўшиладиган Хўжайипок дарёси бўйида яшайдиган бир муаллим қорабайр отини олиб қотиш учун мол-мулкдан айрилган экан. Катталарга берган экан-да. Шу отга тегманлар, шундан бошқа дўстим йўқ, деб... Йўқ, тагин отни берасан, деб туриб олишганида, муаллим жониворни ундай ерга боғлаб қўйиб, отиб ташлаган экан. Кейин бу юртнинг сувини ичмайман, деб бош олиб кетган экан.

— Эшитганим бор. Ҳа, рост. Шундай ишлар ҳам бўлган эди, — деди Бўри Қора. — Ҳайрият, ҳозир шахсий отларга тегишмаяпти. Ким билади, вақтинчаликми бу. Ҳукуматнинг сиёсатини тушуниб ҳам бўлмайди. Ҳар кун товланиб туради. Э, фалак, одамлар бой бўлмасин, дейди-да. Лекин бари раҳбар — олиб қотиб кетяпти...

— Айтмоқчи, ака, ўша муаллим унинг оти ҳақида бир брашураям ёзган эди шу водилик бир шоир, — деб қолди Носир полвон. Олчинбой донолик қилди:

— Шоир эмас, ёзувчи ёзган. Холмирза Шукур деган. Хе, Бойсунтой томондан.

Бўри Қора Олчинбойнинг-да хатосини тузатди:

— Холмирза Шукур эмас, Шукур...

— Ай, шу писателлар фамилиясининг охирини қўймайди-да.

— Аслида-ку, ўшаларники тўри — деди Бўри Қора. — Сен айтган қўшимчалар ўрслардан кирган бизга... Шунинг учун тилимизга тушмайди — адаштиради. Мана мениям «Бўри Қорас» деб чакирмайди халқ... — Собик милиция бошлиғига ушбу қисса савол-жавоб ҳам туйкус маъқул тушиб кетди: исм-фамилия деганлариям ўзбекча бўлса, кулоққа яхши эшитилар экан... Лекин шу давлатнинг сиёсати қизик-да: исминг қандайлигига тархашлик қилиб туради...

Шунда Олчинбой қўйин чўнтағидан боғи бузилмаган бир даста қизил пул чикариб, устозининг олдига қўйди.

— Оз бўлсаям кўп ўрнида кўрарсиз, у ёқда серхаражат бўласиз энди. Ҳар қадамда пул кетади... — Ўйланб яна илова қилди: — Бундан кейин шундай бўлади. Узимизда ҳам...

Бўри Қоранинг юраги яна бир гижимланди: ҳа-ҳа, энди ўзи тўлайди, ўзи...

Ахир, шунча йил амалдор бўлиб турди у: шунча йил бадалига бирон марта тушликка... чўнтағидан пул чикардими? Йўқ, йўқ. Чикармаган-ов. Қизғи-е...

Бўри Қора шу ўйлар чанғалида экан, пулни дарҳол олиб, ён чўнтағига солди.

— Пулинг кўпайсин, иним, — дея бирдан қўлини фотиҳага очди.

— Эса менга оқ йўл. Ҳўш, эсон-омон айлан, ёр-дўстларнинг дийдорига тўйиб, беғонасираб кетган фарзандларнинг кулоқ-бошини тортиб қўйиб, би-ир янгилашиб қайтиб келайин... Кейин бошқача яшашни бошлаймиз! Омин!

Олчинбой ҳам фотиҳа ўқиб ўрнидан турди-ю, тагин устозининг уст-бошига сумрайиб қараб қолди.

— Устоз, сўраганинг айби йўқ, Шу формада кетаверасизми? Менимча, формани ўзгартирасиз энди...

Бўри Қоранинг юраги яна орқасига тортиб кетди. Кейин гангиб-гарангсиб қолиб, меҳмонхонага кирган эди...

Ўй соҳибининг бунчалар узок қолиб кетганидан ҳайрон қолган ука билан шогирд бир-бирларига савол назари-ла қараб олишган чоғ ичкарида тўполон кўпди: гўёки меҳмонхонага битта Бўри Қоранинг ўзи кирмаган ёки у ерда собиқ милиция бошқонини пойлаб турган бузуқ ниятли киши бор экан-у, улар бир-бирларига ташланиб қайтиб, «ур-йикит» бўлаётган каби эди.

Улар меҳмонхонага кириб ҳайрон қоллишди. Бўри Қора ўзининг кечаги кийим-бошлари билан, аниқроғи, яқин-яқингача уни одам қилиб, одамлардан кўтариб юрган формалари билан олишяётган экан! Хе, тепасига кўтариб уради денг шапкасини! Тўфлилари сочиб ташланган... Кўзлари қонталаш бўлиб, гоят аламдийда-нотавон ахволда эдики — қизик, — булар унга ўзи кутган халоскорлар каби туюлиб, бир сония тек қотиб қолди-да, бошини чайқаб-чайқаб, уларни бир-бир кучоқлади.

— Хайронман. Ўз-ўзимга ҳайронман, — дер эди шивирлаб. — Ох-оҳ, Носир, чопонингдан ўзимизнинг ҳидлар келяпти. Шу кир ёқали қўйлагинг ҳам ёқиб кетяпти менга... Олчинбой, бу формаг қўлап берилма. Эсингда тутганин, инон-аждаҳоям пўст ташлайди. Одам

ҳам шундай бўларкан...

— Устоз, ўзингизни босинг... Айтмоқчи, мен бир талай дори-дармон ҳам олиб келиб эдим.

— Майли. Керакли юкнинг оғирлиги йўқ, — Бўри Қора шу холида ҳам голибо хато гапирмади.

18

Ҳа ш кунги зиёфат-хўшлашувда... Бўри Қорани нафақат емак-ичмак билан, балки пул ҳамда беқасам чопонлар билан ҳам сийлашган эдилар. Ана ўша чопонлардан бу вилоят одамлари энг кўпчиликданги йўл-йўл сариқ чопонни кийиб олган собик милиция бошлиғи Олчинбойнинг олифталчилик учун онда-сонда тақадиган қора кўзойнагини қаншарига кўндириб, бўйнига ҳам жун шарфни ўраб-чирмаб, топ-тоза қилинган қизил «Москвич»ни ҳайдаб юнати.

Унинг уйи, юқорида ҳам айтилганидек, районнинг этагида эди. Машинани суриб ҳайдаб, марказга яқинлашганда чапга бурди-да, Тўполоннинг машҳур Искандар кўпригидан ўтказди. Сўнг ҳадемай шаҳарча чегарасидан ҳам чиқди.

Тўполон ҳам, унинг ҳар икки соҳилида жойлашган қадрдон макону эл-юрт орқада қолди. Шундоқ бўлдики, ёшлиқ дўсти, кўпдан-кўп саргузаштларни бирга бошдан кечиришган ва Тўполон шимолидаги тоғларнинг деярли ҳар бир тизмасида ёққан гулханларининг кули қолган қадрдони Акмалнинг ҳузурига бораётгани учунми у билан боғлиқ хотиралар қуршовида кетарди. Кун салқинлаб борар, Бўри Қорага қалин пахтали чопон жуда ёқар ва унинг табиий харорати ҳам баданига таниш илдиқларни ҳада этардики, гоҳо машинани йўл четига чиқариб, шундоққина ёнбошлаб ётгиси келарди.

Акмал яшайдиган тўққиз қаватли бетон иморат ҳамон таъмир этилмаган, қандоқ бўлса шу холида турар ва шу холида улкан тоқ юқосини эслатарди.

Бўри Қора пастдаги қора анжир буталари тагида туриб сигнал беравергач, тепадаги айвонлардан қавакларда яшовчи чуғурчиқлар каби одамларнинг боши кўрина бошлади. Ниҳоят, Бўри Қора:

— Акмал! Акмал деган одам борми? Ўзи ректор! — деб бақирди. — Шу ерда яшарди...

Балқондагилар ўзаро гаптошиб, бошларини ирғаб тасдиқлашди.

— Ҳа-ҳа! Пастда...

Шу пайт пахталисиз яшил қозоқи тўнни елкасига ташлаб олган Акмалбой подъезддан чиқдилар.

— Ҳей, кишлоқи, нимага бақирасан? Одамларни безовта қилиб юбординг-ку!

— Э, бормисан, жўра... — Бўри Қора устидаги либосида, дарҳақиқат, ўзини шаҳарликлар орасига тушиб қолган ёлғиз кишлоқидек хис эта бошлаган эдики, дўстини бағрига олса, қимлиги билинмай қоладигандай олға интилди. Кучоқлашув, кўришув... Ўртада қандайдир сезиларли фарқлар мавжудлиги, зероки, жуссаларида ҳам шундай ўзгаришлар пайдо бўлгани — булар бари билингани ҳолда, нигоҳлари... Ҳа, кўз гаваҳларига бир-бирига ўша меҳр, ўша қувлик, шўхлик ва ботиний самимият билан боқарди. Ҳа, уларнинг афт-башаралари-да ўзгаришларга, йилларнинг тахририга учраган, фақат нигоҳларига ўша-ўша — кечагидек эди.

— Келишингни билардим, — деди Акмал. — Биздаям сессия кеча тугаб бўлди.

— Менинг ҳам «сессия»ларим тугаб битди, — деди Бўри Қора овози олинб ва қиҳ-қиҳлаб қулди.

— Райкомларингга телефон қилиб эдим, — деди Акмал. — Бўри Қора Тўполондарёда чакана одам эмас. Ҳурматини жойига қўйиб кузатиш лозим, деб эдим.

— Жуда-ахшатиб кузатишди, — деди Бўри Қора. — Бугун приказ ҳам етиб борди.

— А-ана шунини сўрамоқчийдим. «Пенсия баҳона ишдан бўшлатма-япсизларми?» — деб сўрадим. Йўқ, ўзинг ариза берган экансан... Шу ишинг, аммо-лекин ўринли бўлган: одам иззатини билгани яхши. Тўғрими?

— Ҳа, энди, бизлар ҳам орли кўппаклардан, — деди Бўри Қора. — Ўлар бўлсақ, ўлимизни кўрсатмаймиз.

— Сен ҳар қанча эгаист бўлмагин, ана шу мардликларинг босиб кетади, жўра.

— Ҳўш, кўпсизу биздан бир жизу биз яхши экан... Йўлда оч қолдим. Уйингда егуликдан нима бор, нима йўқ? Борини айт.

Акмал хахалаб қулди.

— Уйимда йил бўйи ҳеч нима бўлмасаям, сессия маҳалида бўлади. Ҳозир ҳамма нарса бор!

— Мен ҳам бироз тирикчилик қилиб келдим, — дея Бўри Қора машина юқосинани очди. Сулайиб қолган каби ётган кўзи табибни кўргандек бошини кўтарди. — Мана, этлигина... Тўполоннинг суви-

ни ичган, Боботоғнинг ўтини еган... Нима қилай?

— Сўй. Шу ерда сўя қол... Кўшниларга парво қилма. Биз барибир кишлоқлар бўлиб қолаверамиз, — деб қулди Акмал. Гапида фаҳр борми, гашлик борми — фарқлаб бўлмас, афтидан, иккови ҳам мавжуд эди. У шу афозда овозини бир парда кўтарди. — Бу ерликлар товук сўядиган бўлсаям қассобга чопишади. Кўплари қондан кўрқишади... — Кейин овозини уч-тўрт парда кўтариб ҳайқирди: — Маягул! Бормисан! Пичоқ, қарсон! Ўзинг ҳам туш... Иқромниям уйот! Ердан беради...

Тўртинчи қават айвонидан эгилиб қарай бошлаган паҳмоқ халатли жувон ҳам овозини бор бўйи қўйиб:

— Ҳозир, отаси, ҳозир! — деди. — Хуш, начайлик бобо, хуш кўрдик! Чопонда танимабман-а...

— Шунақа, ростакамига ўзбек бўп олдик, — деб жавоб берди Бўри Қора. — Бир қойиш сув ҳам ола тушинг, келинбека. — Кейин Акмалдан кўйини сўйишга жой кўрсатишини сўради. Сўнг тўққининг оёқларини бўшатиб, юқондан кўтариб туширди. Жониворнинг оёқлари уюшиб қолган экан, тикка турулмай ётиб қолди. — Ўғлинг институтда ўқияпти-а?

— Ҳа-да. Қўли текканнинг оғзиям тегади. Сузишгаям қатнайди у. Сув саройи очилган ўзимизда... Ниҳоят! — дея Акмал кимларнидир ўхшатиб сўқди. Кейин тўнгилай бошлади: — Дунё рекордини қўйсанг ҳам дунёга қиқолмайсан, болам, дедим. Бунинг учун олддин Масковнинг кўнглини топишинг керак... Бечора Руфат Рискиевлар ҳам жаҳон чемпиони бўлгунча минг марта Масковдан қайтган эди. У ердагилар миллий қадрларни хоҳласа четга чиқарар, хоҳламаса чиққан жойига қайтарар эди.

— Акмал, сенда жиддий ўзгаришлар бор. — яна қиҳ-қиҳлаб қулди Бўри Қора кўзини куйруғи остидан кўтариб беш-ўнта анжир ва аймоқи тоқлар чирмашган олмалар тагига судраркан. — Сиебсатга қарши борясан-а.

— Ай, ўрғулдум шу сиебсатдан... — Кейин бирдан кимгадир зўғум қилди. — Бугун ўзим ҳам бир дам оламан, деб ўйлаб ўтириб эдим. Индиндан иш... Гапимни бўлмай эшит.

— Ҳўп, ҳўп, ректор бобо.

— Эй, киш яқин. Овини тусаётгандир кўнглинг?

Бўри Қора дўстига ялт этиб қаради: ҳа, овга чиқишларни ҳам йиғиштириб қўйган эди; ҳа, атайин ов қиламан, деб тоққа чиққанини эслолмайди. Тўғри, бир-икки марта қўлайи келди. Бошқарма раҳбарларини тоғ этаклирга олиб чиққанида. Лекин Бўри Қоранинг мезбон сифатида вазифаси кўп эди. Қолаверса, «катта»лар олдидаги «югур-югур»лар... қандайдир ов деб югургилаб юришдан минг аъло туюлар эди...

— Овга... овга энди чиқамиз-да! — деб юборди собиқ милиция бошлиғи бирдан. — Эсингдами овлаган жойларимиз? Беш арча, Бобурган, Морхона, Илонқочди... Яхши кунлар эди. Юқхонани кўр, қалча бор... Нимага термуллаш? Кичкина лапатка-да.

— А-а... Тилим ҳам камбағаллашиб бораёпти экан, — дея юқхонани кўздан кечира бошлади ректор.

Шунда унинг хотини — Амударё ёқасидаги арсари туркманларидан бўлган Маягул айтилган идишлару бир челақ сув билан подъезддан чиқиб келди. Кўзини ётқизиб, оёқларини энди қуллуқлай бошлаган Бўри Қора илдам қад кўтариб, «келинг, келинбой»лаб сўраша кетди: хотини юборган қўш-қўш саломларни омонат сифатида топшириб, буларнинг ўша зиёфатга боришларини гоят ичкиб қутганлари ва хотини бечора икки хуфтонгача дарвозага чиқиб ўтирганини (ташқарига чиқса, йиқилиб-нетиб қўйишдан кўриб ўй-да ўтирган эди) айтди.

Маягул ҳам Тўполон бўйлари ўзи учун эртақдай макон экани, бу ерда худдики тор қафасда ҳаёт кечираётганлари, аммо-лекин эри ҳам мудом ўша ёқларга интилишини билдирди.

Шу ўринда бир кичик изох лозимга ўхшаб қолди. Чунончи, юрлар борки, қишлоқ жойлардан, дейлик, бирон меҳмон марказлик биродарининг уйига товук кўтариб борса ҳам, уй соҳиблари у одамга нисбатан кўндилдорликлар кўрсатади: «Овора бўлсиз-да, пистончи ака... Ўзимизда ҳам сероб эди-ку бундан...» ва ҳоказолар. Илло, келган меҳмон ҳам бу навозиларни табиий ҳолдек қабул қилиб, дейлик, ўша макиёни катакдаги товукларни орасидан танлаб олгани, кишин-ёзин тухум қилиши, аммо семизгина бўлгани боис буларга насиб этгани ва ҳоказолар ҳақида мамнуният билан ҳисоб беради...

Бу каби майин-мулоим муомала бу водийга ҳам тарқалиб бўла-ёзган эса-да, Бўри Қора ва Акмал каби синашта дўстлар орасида бу тур манзиратлар асло доримас, аксинча, тухфанинг камчилиги топиб айтилар эди.

Бўри Қора бисмиллони айтиб, тўққини бўғизлади. Маягул чекиниб, эри машина юқосинасидан чиқараётган мева-чевали яшиқ ва

саватларни қўлидан олиб, подъезд оғзига обориб кўяркан, уларнинг ҳам тиллари тинмас эди. Аммо Акмал «сиёсий хато» ҳисобланадиган гапларни чирсиллаб сўзлар, хотини ҳам гапларига иловалар қилар, Бўри Қора ўзини кулимсирар ва кўнглида дўстининг барча мулохазаларини маъқуллаб қабул қилмоқда эди.

Акмал Чибор-Гижингтой ҳақида ҳам унча-мунча гапларни эшитган экан.

— Тойингни зоти чикдими? — деб сўраб қолди Акмал. — Мана бунинг уруғлари «ахал-текин» зотидан бўлиши керак, дейишяпти.

— Бе, у Бойчиборлар авлодидан, — деб гурур билан жавоб берди Бўри Қора ва бирдангина ҳаяжон ила тойчоғини эслаб ва кўз олди-га келтириб, дўстига бақрайиб қаради. — Сен қаердан эшитдинг унинг доврuginи? Шу ерларгаям етиб келдим, а? — ўзини тиёлмай сўради «кассоб».

— Нима, Тўполондаги янгиликлар ўша ернинг ўзида ётади, деб ўйлайсанми? — Акмал ҳалати чўнгатиган қимматбаҳо сигарет олиб тўтатди. — Айниқса, сенга тегишли бўлса, у — янгилик...

Бўри Қора суюлиб кетди.

— Ким етказди сенга?

— Шогирдинг-да. Ким бўларди яна, — деди Акмал. — У тез-тез телефон қилиб туради...

— Зампрокурор бўлди у!

— Ўша кунни суюнчи олган эди, — деди Акмал ва булқиллаб қулди. — Мая, эслайсанми? Тоза қулишган эдик... Лекин ёмонам макор бўлиб кетибсан, жўра. Бечора прокурорнинг томоғидан гиппа бўғибсанлар-ку!

— Э, унинг ўзи менга панд бер деб юради-да, — дея қўйинг жонсиз оёқларини еча бошлар экан, яна чақчайиб боқди дўстига. — Ким юборган эди у думбулни бизга, а?

— Тахминан биламан-у, энди сенга нима фойдаси бор... Юборган-да битта акаси! Бу ерда адвокат бўлиб юрар эди... — Кейин хиринглаб қулди. — Уни барибир районга сиғдирмасаларинг керак? Биламан-ку, бегонага тоқатларинг йўқ.

— Қилма — топарсан, экма — ўрарсан, деган гапбор, жўражон, — деди Бўри Қора. — Яхши бўлса, ошини ер... Энг муҳими, ҳаётни, одамларни ўрганса, ишлаб кетади. Хе, кўп содда экан-е. Китобий десанг ҳам — ўша...

— Тўғри айтасан... Ёмон бўлса, бошини ер, — деди Акмал. — Тўполонга кимлар келиб кетмаган... Тойингдан гапирсанг-чи. Шундай табиий, табиатга яқин мавзуларда гаплашишни соғинади одам. Студентликда бир озар шоирасининг шеърларини яхши кўриб юрардим. — У шу ердаги ёлғиз дўлана танасига суянди-да, гапга кўшилишни кутибми, ё эшитмасдан кетиб қолишни одобсизлик билибми турган Маягулга саватларни кўрсатиб, олиб чиқаверишни билдирди.

— Ўша шоиранинг расминиям яхши кўрардилар, — деди Маягул. — Китобчаси ҳалиям бор.

— Бўлди қил, — деб кесди Акмал. — Хотинлигингга борасан-да. Мен уни нима учун эсладим? Сабаби бор... Бўрижон, сен ҳам эшит. Ўзи тўрт қатор.

— Айт, айт.

— Қарисам, хасталик гар мени енгса, Менга хўшбўй яллиз, райхон тўтқазинг.

Дўстлар жасадимни пастликка қўйса,

Қизлар, ҳаёлимни тоққа чиқазинг.

— О, зўр экан, — деди қўйни терилашдан тўхтаб Бўри Қора. — Бундан чиқди, тоғни яхши кўрар экан-да, а?

— Гап шунда-да, — таъкидлади Акмал. — Мениям бир орзуийм бор, жўра. Қариб-чуриб қолганимда, Тўполонга кетаман... Ким биледи, ўша вақтларда у ерларда ҳам институтлар очилар... — Хотинига қараб дўқлаб юборди: — Сен ишонмасанг, ишонма! Мен ишонманам! Ҳаёт тўхтаб қолмайди. Чўлпон айтганидек, ўзгаришлар фасли бу... — Кейин гангиб дўстига боқди. — Қўлавер ишингни... У тойчоқни катта қилганингдан кейин нима қилмоқчисан? Айтишларича, зўр улоқчи от бўлармиш...

— Бўлади, — деб яна дўстига қараб олди Бўри Қора. — Бўлмаганигаям қўймайман. Машқ кетяпти, Акмалжон... Умар синчини биларсан? Келиб турибди.

Акмал чекиб турган сигаретини чертивориб саватларни кўтариб ичкарига йўл олган хотинининг изидан бақирди:

— Хўв, кампир, халиги захардан чойнакка қўйиб чиқмайсанми? Олмадан қолдир... Бир жуфт пиёла ҳам бўлсин. Сувчигаям айт, дам олиб бўлгандир. — Кейин дўстига қараб яна гапир бошлади: — Шу сузагон сувчиларни Тўполонга қўйиб юборсанг, а? Тошган маҳалларида... Сузиб чиқолармикан?

Бўри Қора қулди.

— Селдан мен ҳам кўрқаман лекин. — Сўнг тагин дўстига

бақрайиб, ваъда бераётгандек деди: — Селдан сузиб ўтишниям ўргатаман Чиборга!

— Ўргат-ўргат, — деди Акмал теран бир охангда. — Тўполон бўйида яшагандан кейин селга тушиши тайин... — Кейин яна сигарет тутатиб, хўрсиниб юборди. — Бўрижон, мен ҳақиқатан ҳам сиёсатдаги кўп нарсаларни тушунмай бошладим... Шилавер! Хўп, от асрашга рухсат берилди. Бу яхши иш бўлди. От жониворнинг туёғи кўпайиб қолди. Лекин от дегани табиатан чошиши лозим. Йўғасам сонлари қотиб, оғоч оёққа ўхшаб қолади. Умуман, от деганда ўзгир от, кўпқаричи от, учқур от, йўрга от... Ишқилиб, отга семиз ё орик деб баҳо бермайдилар-да, тўғрими?

— Жуда тўғри айтасан, — деди Бўри Қора. — Раҳматли отангниям зўр қорабайир оти...

— Эслатма.

— Хўп, хўп.

— Бир муҳим гап тилиминг учида эди...

— Эсла, эсла.

— Хўш, от жониворнинг аҳволи дуруст бўлиб қолди. Аммо... яна унга ёмон кўз билан қараш бошланаётир. Эшитяпсанми?

— Нима, қандайга?

— Шу яқинда обкомнинг дачасидаги бир ўтиришда бир ветеран чол сасиб қолди-де. Сизлардаям бор ундай сассик-агент чоллардан. Халиги адвокатлар бошлиғи — кал Юсуф бобо? Агент... Халқ орасида юриб, гаптеради.

— Жуда яхши биламан.

— Шу, дачадаги ўтиришда гапириб қолди-да, соқолинг тўқилгур: «Одамлар кўпқарига берилиб кетаётир, ўртоқлар. Худди босмачиларни кўргандек бўламан...» — деб қолди. Сал ўтмай яна миллий урф-одатларга қарши гаплар кўзгалди. Тавба... Яқинда динга қарши курашни чарчаган эдилар. Булар тушунмайдики, бир майдонда кўпқарини бўзсанг, улоқчилар бошқа майдонга ўтиб чопишади. Худдики, мачитни ёпиб қўйсанг, оғилхонага кириб намоз ўқишганидек...

(Давоми бор)



Мархабо тўйга атаб янги кўйлак, лозим тиктирди. Чевардан тайёр кўйлакни олиб келгач, кийиб ўзини ойнага солди. Офтобда қорайган юзларига, меҳнатдан қаварган кўлларига қараб ўздан хафа бўлди. Хаёлан ўзини шаҳарда яшайдиган опаларига солиштирди. Оқюз, оқбиллак опалари қандай чиройли кийинишди. Опалари доим кулиб туришади. Бирон марта турмушларидан норози бўлишганини кўрмаган. «Оллоҳга шукр, тан-жонимиз соғ, энг катта бойлик шу. Қолганини яратган Эгам насибига яраша етказаверади», — дейишади улар. Мархабонинг уларга ҳаваси келади.

У хаёл сура-сура эндигина кўйлакни ечаман деганида кўзи қулоқларига тушди: ўтган йили уйга газ туширамиз деб зиракларини сотганди. Узатилаётганда онаси қилган бирор тилла буюм қолмаган эди. «Тўйга ҳамма аёллар тиллаларга беланиб келишади. Дўст-душман олдида уялиб қоламаними? Яхшиси, бир-икки кун тақиб туришга онажонимдан олиб тураман. Тиллани бир кунда еб кўярмидим?» Мархабо шундай тўхтамга келди-ю, икки кўча нарида яшайдиган онасиникига йўл олди.

Муниса опа лўппигина, қадамлари чаққон, дилбар аёл. Олти болани жойлаб, 16 набирага буви бўлса-да, ҳамон тинмайди. У бозорлик қилиб келган кун уйда байрам, набиралари бувиси атрофида парвона. Муниса опа энди пешин намозини тамомлаган кезде Мархабо уйга кириб келди.

— Ким бор? — деди у остона ҳатлаши билан.
— Келинлар уй-уйида, келавер қизим, — деди онахон деразадан бошини чиқариб.

— Ассалому алайкум, онахон, уйдამисиз? — хурсанд бўлиб кетди Мархабо.

Она-бола биргаликда бир пиёладан чой ичишгач, Мархабо муддаога кўчди:

— Онажон, анув, биласиз-ку, — ямланди у, — эртага овсиним қизини чиқараётибди. Тўйга ҳамма нарса тайёр-у, битта камим бор-да. Шунга ёрдамнинг керак эди.

Шу сўзнинг устига хонага кичик келин — гапдон Шохидахон кириб келди.

— Вой, онажон, кириб келганингизни ҳам билмай қолибмиз-а, — деди у. — Нима ёрдам керак бўлса, мана мен доим тайёрман!

— Сизни қийнаб қўймасан бўлди, Шохидахон. Шу десангиз, эртага тўйга тақишга зирагим йўқ. Биласиз-ку, хотинлар шунақа пайтда ҳамма ёгингизни рентген қилаётгандай қараб туришади. Яна мени жудаям камбағал экан деб камситиб ўтиришмасин. Зирагингизни бир кунга бериб тулинг, айланай сиздан.

— Шунгайм сиқилиб юрибсизми? Ҳозир узугимниям, зирагимниям бериб тураман. Бир кунга эмас, чарларни ўтказиб қайтарсангиз ҳам бўлаверади, опа. Тўйларни хурсандчилик билан ўтказиб олсангизлар бўлди.

Муниса опа уларнинг суҳбатига ҳайрон бўлганча қараб турар, бир нима дейишни билмай лол эди.

— Нима, зирак тақмасанг тўй ўтмайдими? — деди негадир жажли чиқиб. — Агар зиракни йўқотиб қўйсанг, қандай тўлайсан. Ўзи куёв бир кун ишлаб, ўн кун ишламай, зўрға кун кечираётган бўлсанг. Болаларинг очин-тўқин қолиб кетаётган бўлса. Турмуш қурганингга неча йил бўлди, ҳалигача қарашиб турсак. Кўй, болам, зирак йўқотиб, бошимизни яна бир балоларга қўйма.

— Нега энди йўқотар эканман, кап-катта одам...

Мархабо онасининг сўзидан хафа бўлиб пиқ-пиқ йиғлашга тушди. Муниса опа эса уни юпатишга уринди:



— Мен сенга зирак тақмагин демаяпман-ку. Бир иш қилишгандан олдин яхшилаб ўйла. Шохида, болам, мени зирагимни олиб чиқа қолинг...

— Қайси зирагингизни, ойи, менда сизнинг зирагингиз йўқ-ку!

— Ие, ёдингиздан кўтарилганга ўхшайди, баҳорда тоғангиз вафот этганларида эшиқдан чиқаётиб азага зирак тақилмайди деб Мухаббат қизим қулоқларимдаги зиракларни ечиб қўлингизга берган эди-ку! Ўша зиракни менга қайтармадингиз. Бугун берар, эрта берар деб кута-кута охири унутгандим. Қани, ўша зирак? — Нима?

Шохида бор овози билан йиғлашга тушди.

— Олти оёқ дединглар, индамадим, тили бир қарич дединглар, индамадим. Бир ками ўғри қилишинглар қолувди...

Мархабо зирак сўрамай менгина ўлай, дегандай икки қўли билан юзини беркитди. Муниса онанинг эса тобора ғазаби алангаланарди.

— Қазисан, қартасан, асл наслингга тортасан, деб бекорга айтишмайди-да, эскилар, онангиз шаллақи эди. Сиз ҳам онангиздан ўтасиз. Арзиманган нарсага шовқин кўтариб, етти маҳаллага етказасиз. Кейин ўтирасиз рўзгорда барака йўқ деб... Бўлди қилинг йиғи-сиғини. Эрта-индин Мухаббат кеп қолар. Балки шошганда чўнтак-пўнтагига солволганмикин?! Аммо аниқ-тиниқ эсимда, ҳаммаси... Ҳа, майли, нима бўлса бўлди, бўёғи кўчди. Қизим, энди сен ҳам уйингга бора қол, кечки овқат пайти ҳам бўлиб қолди. Болаларингга бир қошиқ овқат қил. Бир кунлик тўй зираксиз ҳам ўтар. Бор, бора қол, уйингдан тинчи...

Мархабо зўрға ўрнидан турди. Унинг кетидан келин ҳам туриб, зарда билан эшикни қаттиқ ёпди. Муниса опа кўз ёшларини қизига кўрсат-

маслик учун лабларини қаттиқ тишлади, бўғзига келган аллақандай оғриққа бир амаллаб чидади. Она-бола ҳовлида хайрлашишди. Муниса опа ҳар доимгидай қизини бекатга қадар кузатиб чиқмади, ўз хаёллари билан ҳовлида қолди. У ҳеч қачон келинларидан бирон кимсага шикоят қилмади.

Орадан ҳеч қанча фурсат ўтмасдан Шохида ўз уйдан кўзлари қизарганча чиқиб келди ва қўлида ушлаб турган зиракларни қайнонасининг оёқлари остига ташлади:

— Зирагингиз ўрнига зирагимни ола қолинг... Бу — бош-кўзимдан садақа сизга...

Муниса онанинг юраклари ўйнаб, кўзолди қоронғилашди, қулоқлари остида эса «садақа, садақа», деган сўз қайта-қайта акс-садо берарди.

...Муниса опа ўша зирак воқеасидан сўнг қон босими кўтарилиб ётиб қолди. Келин онасини олиб келди. Лекин Муниса опа келини билан гаплашишни ҳам истамасди. «Қизингизни олиб кетинг, мени бундай оёқости қиладиган келиннинг кераги йўқ. Агар истаса, ўлим рози бўлса, болаларини етим қилмасин, у ҳам кетсин. «Дўм»ларида аҳил, тинч яшайверишсин. Мени ўйлашмасин. Бандаси ўлмас, ризки қийилмас. Мен йўқолган зиракка ачинмайман. Аммо қизингизнинг ҳамма ачиқ-тийиқ гапларига чидагандим, охиригиси ошиб тушди. Энди кўзимга кўринмасин», — деди жажл устида.

Ўғил ҳайрон, келин лол, қилган ишидан пушаймон. Аммо отдан тушса ҳам, эгардан тушгиси келмайди.

Муниса опа келиннинг «Ойижон, ёшлик қилибман, мени кечиринг» дейишини кутади.

Умр эса қарвон — унга яхши ҳам, ёмон ҳам сиваверади...

МОҲИНУР

Иоганн Вольфганг Гёте

НАПОЛЕОН БИЛАН СУҲБАТ

2 октябрь. Мен эрталаб соат ўн бирда император ҳузурига чақиртирилдим. Бақалок камергер Пол кутиб туришимни сўради. Қабулхона бўм-бўш. Савари ва Талейранга таништириш. Бир оз вақт ўтиб ичкарига киришим мумкинлигини айтишди. Шу пайт Дарю пайдо бўлди-ю, уни ўша захотиёқ ичкари киритишди. Мен яна ушланиб қолдим. Мени чақиритишди. Кираман.

Император катта, юмалоқ стол атрофида нонушта қилмоқда, ўнг қўл томонидан сал нарироқда Талейран, чапта, яқинроқда — Дарю, у билан тоvon тўлатиш тўғрисида маслаҳатлашмоқда. Император менга яқинроқ келишни ишора қилди. Мен лозим топилган масофада тўхтаман. Диққат билан

менга тикилиб, деди:

— Vous êtes un homme?

Мен таъзим қиламан.

У сўради:

— Неча ёшдасиз?

— Олтмишди.

— Сиз ўзингизни яхши сақлабсиз. Сиз трагедия ёзганмисиз?

Мен имконият борича қисқа жавоб қайтараман. Шу пайт Дарю сўз олади ва унинг ўзи талайгина ёқимсизликлар қилгани сабабли, уларга қисман яхши кўринишни хохлаб немис адабиёти ҳақида гапириб юборди: умуман Дарю яхши лотиншунос эди, ҳатто унинг ўзи «Гораций»ни нашр этган. У менинг тўғримда Берлиндаги мухлис-

ларим нима дея олсалар шуларни айтди, хуллас, у дўстларимнинг эътиқод ва фикрларини тақрорлади. Кейин қўшимча қилди:

— Французчадан таржима қилсангиз, масалан, Вольтернинг «Мухаммад» асарини.

Император таъкидлади: бу ёмон нарса. Жаҳонни тобеъ қилган ўзини бундай номаъқул ҳолатда тасвирлаши яхши эмаслигини батафсил тушунтирди.

Кейин у сўзини ўзи муфассал ўрганган «Вертер»га бурди. Турлича, мутлақо тўғри мулоҳазаларни билдириб, бир жойига тўхталди ва сўради: «Нима учун сиз бундай қилдингиз? Бу табиий эмас», — кейин ўша жойни кенг ва жуда тўғри таҳлил қилди.

Мен уни очик юз билан тингладим ва та-

бассум билан мамнун жавоб бердим: «Мен қимдир, қачондир бундай изох берганини эслай олмаман ва тан оламанки, ўша жойда ҳақиқатан ҳам қандайдир ғайритабиийлик бор».

Мен, агар шоир оддий, табиий йўл билан эришиб бўлмайдиган маълум эффе́кта эришиш учун унчалик «қонуний» бўлмаган усулдан фойдалангани учун уни кечириб мумкинлигини қўшимча қилдим.

Император менинг жавобимдан қаноатлангандек туюлди ва яна драмага қайтиб, трагедия театри ҳақида худди жинойи ишлар судьясидай диққат-эътиборли кузатувчи киши каби ниҳоятда фойдали бир неча мулоҳазаларни билдирди. У француз театри ҳаққонийлик ва натурализмдан узоқлашаётганини теран ҳис қилишини кўрсатди. Тақдир драмалари тўғрисида ҳам номаъқул сўзлар айтди.

— Улар қоронгу кунлар нишонаси. Хўш, тақдир бизнинг кунларда нима ўзи? — қўшимча қилди у, — тақдир — бу сиёсат!

Кейин у яна Дарюга юзланди ва у билан товоннинг (контрибуция) муҳим жиҳатлари ҳақида гаплашди. Мен бир оз тисарилиб,

бундан ўттиз йил аввал ўзимнинг шодон ва гамгин соатларим ўтган эрғарда (хонада) бўлиб қолдим ҳамда менинг ўнг томонимдаги эшик ортида Бертье, Савари ва яна аллакимлар борлигини пайкашга улгурдим. Талейран чиқиб кетди.

Маршал Суле келганини билдиришди. Баланд бўйли, сочлари қалин бу киши кириши биланок император Польшадаги ёқимсиз воқеалар билан қизика бошлади. Мен бўлсам, хонага разм солиб, ўтмишни эслашга тутиндим. Бу ердаги гулқоғозлар ҳамон ўша-ўша — ўзгармаган эди. Аммо девордаги суратлар йўқ, Илгари бу ерда герцогиня Амалия хонимнинг маскаррад либосида, қўлида қора, ярим никоб тутган ҳолдаги портрети, шунингдек, мутасаддилар ва герцог оила аъзоларининг расмлари осилган эди.

Император туриб ёнимга келди-да, сездирмайгина мени сафда турганлар гуруҳидан ажратди. У ҳалиларга орқасини ўгириб, шивирлаган товушда мен билан суҳбатлашиб, уйланганманми, болаямим борми, умуман, хос суҳбатларда қабул қилинган нарсаларни сўради. Хусусан, менинг

герцог оиласига, жумладан, герцогиня Амалия, герцогнинг ўзи ва рафиқасига муносабатим ва бошқаларни. Мен унга қийналмай жавоб берар эдим.

У мамнун кўринар ва менинг сўзларимни ўзига хос оҳангда, мен ўзига эл қўра олмайдиган кескин ибораларда тақрорлар эди.

Шу билан бирга таъкидлашим керакки, суҳбатимиз чоғида унинг ибораларининг ранг-баранглиги мени ҳайратга солди. У гоҳо қимирламай туриб тинглар ёхуд бошини ўйчан қимирлатар ёки «Oui» ва «C'est bien»² ёки шунга ўхшаш нарсани гапирар эди. Бирон нарса ҳақида фикр билдирганда, у тезда «Queen dit Mr Got»³ деб бергак тортмаганини эслай олмаман.

Мен камергернинг нигоҳини тўтиб, кетиш учун ижозат сўрашим мумкинми, деб имо қилдим ва у тасдиқловчи жавоб берди. Мен шу ондаёқ таъзим бажо келтирдим.

¹ Сиз одаммисиз? (Французча)

² Ҳа, яхши (Фран.)

³ Нима дедингиз жаноб Гёте? (Фран.)

ЗАРДУШТ МАШАҚҚАТИ ВА ИСЛОМ ҲАҚИҚАТИ

У н саккиз минг олам бўлса, барининг яратгани бир зот. Одамзот ахлининг-да моҳияти, мояси бир. Аммо одам болалари эл бўлганда элининг тўли бўлак-бўлак бўлиниб, чўл бўйлаб бири қолди, дарё бўйида бири, тоғ этагида бири, тоғ ортида бири. Шунда яратган илоҳига ҳар бири ўзича турли ном берди. Оқиллари яратганини таниб, руҳи озод яшади. жоҳилларининг холи синовада, жони қийноқда бўлди.

О, яратган зот, ўзинг ҳақсан! Сен азал, сен ҳозир, сен абадсан. Ақлимиз-ла, кўз очиб, дунё била ўзма-юз турганимизда ўзингдан хабар берган эдинг. Шунда сендан паноҳ толганлар паноҳли, жаҳолатда қайсарлик қилиб бош эгмаганлар гуноҳли бўлдилар. Сенинг эса сабринг чексиз эди, эй яратган эгам.

Ибтидосиз ва интихосиз замон ичра борлиқни яратган чоғингда ибратинга қулоқ солмадик. Дов-дарахтга, тоғу тошга, дарарандяу паррандага сизиндик: Сен эса ҳидоятга чорлаб доимо бор эдинг...

Эй қодир, эй собир, эй холиқ эгам! Сенинг Сенлигингни англаб етгуна не авлодлар келиб-кетмади. Зарралардан борлиқни пайдо этганингда ҳайрат ичра сени деганлар бир замонлар номингни энг оқил зот — Билга билигининг мағзи — Мазда аташди.

Улуғлигинга имон келтириб, Сени Ахура — «жаноб» сифати-ла шарафладилар. Сен нурафшон, қутлуғ ҳаёт ифодаси ва ишонч манбаи бўлиб бандаларининг пароканда бошини, ҳақиқат излаган қалбларини бирлаштирдинг. Аммо сен, эй Ахура Мазда, ўзлигинг ичра мавжуд, борлигинг қатларидан макон топишга уринган ёвузлик мояси — Ахриманни ўзингдан ситиб чиқармагунингча эзгу моҳиятингни борича намоён этолмадинг.

Ўзингдан қора ниятли, нопоқ, хасад, алдоқ, ёвуз куч ситилиб ажрагач, туганмас нузли борлигинг тубида қоронғулик ва унинг абадий ҳибсида барча ёвуз унсурлар мужассами — Ахриман пайдо бўлди. Одам учун лойиқ насиб эзгу дунё бўлсин, дея хитоб қилганингда, эй Ахура Мазда, имонлилар номинг ва сифатларингни такрорлаб, сени шарафладилар. Ахриман эса ўзининг ёвуз кирдиқорларини бошлади. Иссиққа совуқ, эзгуликка ёвузлик, нурга зулмат, савобли хилқатларнинг ҳар бирига қабохат, гуноҳли ишларни қарама-қарши қўя берди. Ахура Мазда борлиққа ҳаётни, яралишни, Ахриман эса ҳаётга ўлимни ва йитишни раво қўра берди.

Борлик моясига, ҳаёт асосларига завол Ахриманнинг ёвузликларига, сен эй беҳиёс зот, Ахура Маздагига барҳам беришга қодир эдинг. Лекин имонли инсоннинг эзгулик йўлини қалбан, фикран ва амалан танлашигина бу йўлда сенга қувват бағишлашини билдирдинг. Инсон макон қурган ер, уй-жой, бола-чақа қилган ер, шудгор қилиниб дон сочилган ер, ўчоқларида покиза ўтинлар қаланиб, олов гуриллаб турган ер азиз, дединг. Бундай ердан Ахриман ва унинг қабих ниятларига ёрдам берувчи девларлар жинлар йироқ бўлади. Инсоннинг имону эътиқоди, яратувчи меҳнати оламни Ахриман разолатидан озод этади, дея ўргатдинг. Инсон руҳи озод, ўзи эса фаоллик билан эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амаллар йўлида бўлмоғи лозим, дединг. Аммо адашишга мойил, қалб кўзлари юмук бандаларни ким ҳидоят йўлига етаклайди.

Ахура Мазда, билгувчи зот! Унга бандалари орасида илк ихлос қўйган зот, пайгамбар танлагани, фақат уни таниган Зардушт ўз атрофида турли нарсаларни худо билиб адашганлар қалбига бу ҳикматни қандай етказсин. Унинг қалбини, ҳаётини ўзининг жилваси билан ёритиб турган яратган зот ҳақидаги ҳикматни қавмларига қандай билдирсин...

Худонинг ўзи меҳрибон. У қўриб тургувчи, у билиб тургувчи, у ҳар ерда ва ҳар қачон ҳозир, чунки унинг ўзи қодир холиқ. Бандаси Заратуштра (Зардушт) қалбида кечаётган тугёнларни у билиб турган эди. Шубҳаларни, фикри ожизликларини сезиб турган эди. Худодари ҳар хил қабилалар, уруғлар ўртасидаги низолар, қонли тўқнашувлар одамларга жабр келтирувчи, малоллик туғдирувчи урф-одатлар — барча-барчаси Заратуштрага ўзининг борилиги ва

ҳақлигини, яратган зот эканини ваҳий қилиб нозил қилди. Заратуштранинг ожиз имконларини қудратли қилган Ахура Мазданинг эзгу ўй фариштаси Воҳумана эди. Шундан бошлаб Заратуштра ўз қавмларини, элини, юртини Ахура Маздага имон келтириш сари етаклади. Аммо...

Инсон қалбини эгаллаган ўжарлик ва жаҳолат туфайли қундай равшан ҳақиқатнинг одамларга етиб бориши қийин кечди. Заратуштранинг шунчалар ҳаракатлари ҳа, деганда самара беравермади. Самодаги

юлдузларга, ойга, қуёшга, унинг ердаги зарраси оловга, сувга, ерга, ҳавога, шамолга, ҳуллас, табиатнинг турли қучларига сизиниш одамлар учун чин эътиқод туюлар эди. Бу унсурларнинг барини яратган зот борилиги ва бирлигини тасаввур этиш қийин эди. Ахура Мазданинг Зардуштга билдирган хуш, эзгу хабаридан сўнг ўн йил кечдики, Заратуштранинг ҳидоят йўлига одамлар ёндошмади. Аксинча, уни ёлғизлатдилар. Қавм-қариндошлар, жамоа, қишлоқ ўзидан бегоналатди. Шунда инсоният тарихида барча пайгамбар зотлар бошига тушган, қодир худодан қисматдек тус олган ҳодиса рўй берди: Заратуштра ўз туғилиб ўсган макони Амударё бўйларидан бош олиб чиқиб кетишга, бошқача айтганда, «ҳижрат» қилишга мажбур бўлди.

У Хоразм тупроғидан паноҳ излаб, кун чиқар томон, не бўлганда ҳам қуёш сари, Ахура Мазда қудратининг қундалик ва доимий муқаддас гувоҳи бўлмиш офтоб сари, унинг самога чиқар макони Хуқария чўққиси томон йўл олди. Унинг узоқ ва машаққатли, лекин собитлик ва қатъият билан Ахура Мазда ҳақиқатини одамлар орасида ёйишга қаратилган таригот йиллари бошланди. Зардушт Сугд, Марғиёна, ниҳоят Бактрияга ўз гоёларини олиб кирди. Бактрияда шу юрт подшоиси Каби Виштаспа ва унинг сароҳи аёнлари Заратуштранинг таълимотини қабул қилиб, унга сабаб бўлдилар.

Шундай қилиб, бизнинг Ўзбекистон тупроғида туғилган Мазда Ясна — зардуштийлик дини бундан уч минг йил аввал дунё бўйлаб таркала бошлади. Ҳаётий асосларининг бақувватлиги, ахлоқий-фалсафий негизларининг ўта инсонийлиги билан зардуштийлик илк ваҳий диллар қатларидан ўрин олди. Инсоннинг шону шарафини, унинг эзгу ишлар ва йимону эътиқодига фаол ҳамда собитлигини юксак даражага кўтарган, меҳнат ва яратувчилик, табиат ва жамият мутаносиблиги гоёларини қўллаб-қувватлаган, жисмоний ва руҳий покликни эзгуликнинг бош омилли қилиб қўйган Зардуштининг дунёқараш Бехдин — «энг яхши дин» деб эъзозланди.

... Зардуштининг ахлоқий-фалсафий-диний дунёси аввало инсониятни якка худо, яратган бир зот ҳақидаги гоё билан ошно қилди. Лекин бу ҳақиқатга тўла амал қилинмади. Ахура Мазда қўллаб маъбуд — инсон зотларни ўзи яратгани, уларга ҳам намоз, назру ниёз, эҳсонлар бағишлашни бандалари учун ҳалол қилгани ҳақида Заратуштрага хабар қилди. Бу илк ваҳдоният гоёсидан чекиниш, Ахура Мазданинг яққалигига шерикчилик бўлиб қолди.

Узоқ аждодларимиз ўлкамизга ислом дини кириб келган пайтларда, Оллоҳнинг яққаю ягоналиги, унга шериклар бўлиши мумкин эмаслиги каби мутолқ ҳақиқат билан дуч келганларида, зардуштийликнинг ушбу масаладаги нуқсонини осонгина тушуңдилар. Исломининг афзаллигига ишонч ҳосил қилишлари осон бўлди. Урта Осиё олимлари — ислом динининг Термизий, Имом Бухорий, Мотуридий, Марғиновичи каби қўллаб назарий ва амалий ривожига улкан ҳисса қўшганлар ҳам ана шу тарихий тажрибалар туфайли қиёс орқали ҳосил қилинган ҳулосалар билан бевосита боғлиқ бўлган эди.

Агар бу фикрни шу нуқтада тўхтатсак, асл моҳият қалб кўзгусида иникхос бермасми, деган андиша армон бўлмасмикан?! Аҳир Зардушт машаққати, у келтирган Ахура Мазданинг эзгулик хабари — булар ҳаммаси, эй Оллоҳ, сенинг синов майдонингда азал борлигини излаш босқичларимиз эмасми?! Азал Холиқ! Измингдан ташқари ҳукм йўқ экан, йўқдан бор қилган бандаларингни Зардушт ва «у келтирган китоб» «Авесто» билан яна бир имтиҳон қилмадингми?! Ҳаёлимга ўзингдан нозил бўлган «китобларинг» ҳақида айтилган сўзлар келади. Ажаб эмаски, менинг аждодларим руҳини эзгуликка даъват қилган Зардушт китоби ҳам сенинг синов китобинг бўлган бўлса. Ниҳоят, унда билдирганларинг ноиклигини аждодларимиз Куръон билан юзма-юз келганда, рўйи-рост билди. Исломда қойим бўлишди ва унинг ривожига хизмат қилишди.

Мирсодиқ ИСҲОҚОВ



Qadim zamonda kichkina qishloqning bir chekkasida Kijavan ismli dehqon yashagan ekan. Uning na bir yaqin qarindosh-urug'i, na bir uzoq tanishi bor ekan. Kijavan bo'lsa, bundan sira o'ksinmas, odamlarning o'rniga o'rmon qushlari, hayvonlari bilan do'stlashib yurar ekan. Do'sti ko'p bo'lsa, u zerikermidi?! Kijavan ham qushu hayvonlar tilini juda yaxshi bilardi, o'rmonda yashovchilarning birortasi bilan uchrashib qolsa, suhbatlashib ancha yengil tortar ekan. Qushlar Kijavanni ko'rishlari bilanoq shodu xurramlik bilan chug'ur-chug'ur qilisharkan.

Bir kuni Kijavan nihoyatda och qolibdi. Tamaddi qilay desa hech vaqo yo'q. U o'ylay-o'ylay oxiri qo'liga tayoq olib o'rmonga jo'nabdi. O'rmonni aylanib-aylanib, u yerda ham yeydigan hech narsa topolmay uyiga qaytibdi. Yo'lda ketayotib: "Menga yordam ber", - degan zaif tovushni eshitib qolibdi. Kijavan bunday qarasa, yerda bir kaptar yarador yotgan emish. "Men ucholmayman, qutqargin", deb yaliniydi kaptar.

Kijavanning bechora kaptarga rahmi kelib, uni yerdan avaylab ko'tarib olib, bag'riga bosganicha yo'lida davom etibdi. Kipasiga kelib qushni ehtiyotlik bilan yumshoq o'ringa yotqizibdi.

- Tuzalib ketguningcha menikida yashaysan. Hech narsadan qo'rqma. Qo'limdan kelgancha yordam beraman, lekin hozircha senga beray desam, uyda yeyishga hech vaqo yo'q, - deya xafa bo'libdi Kijavan.

- Qayg'urma, - debdi kaptar uni tinchlantirib, - o'rmondagi mango daraxtining kavagida guruch bor, shu guruchni olib kelsang, birga baham ko'ramiz.

Kijavan fursatni boy bermay, mango daraxtini izlab, o'rmonga jo'nabdi. Yo'l yuribdi, yo'l yursa ham mo'l yuribdi, ammo daraxtni uchratmabdi. U horib-charchab, bir tepalik ustida o'tirib qarasa ro'parasida mango daraxti o'sib yotganmish. Kijavan engashib qarasa, daraxt kavagida bir siqim guruch, atrofida esa oltin kumushlar va boshqa qimmatbaho toshlar yog'udu sochib yotganmish. Kijavan

U shu so'zlarni aytib ulgurmasdanoq, dasturxonda issiq kulcha non bilan bir piyola sut paydo bo'libdi. Dehqon Kijavan sutni ichib, nonning bir burdasini yebdi va qolganlarini kaptarlarga ushatib beribdi.

Shundan keyin dehqon Kijavan baxtli yashay boshlabdi. Unga nimaki zarur bo'lsa, do'sti kaptar sovg'a qilgan uzuk hammasini bir zumda muhayyo qilardi ekan.

Gavhar NORMATOVA
tarjimasi

Kaptar sovg'asi

(Tamil ertagi)

boyliklarga parvo ham qilmabdi, faqatgina guruchni olib orqasiga qaytibdi. Uning shundoq ostonasida yana bir kaptarni ko'ribdi. U eshikni ochishi bilan kaptar "pirr" etib ichkariga kiribdi-da, yarador kaptarning yoniga qo'nibdi. Ikkala qush shodonlikdan sayrab yuborishibdi. Kijavan ularga guruch berib, Kijavan qushlarni rosa tomosha qilibdi.

- Nega sen o'zingga guruch qoldirmading? - so'rabdi ikkinchi kaptar.

- Bir siqimgina guruch bo'lsa, sizlar yesalaring men xursandman, o'lmayman, - deb javob qilindi u.

Ikkinchi kaptar kulbadan uchib chiqib ketibdi-da, tumshug'ida tilla uzuk bilan qaytib kelibdi.

- Bu uzukni qo'lingga taq. U nimaniki istasang bajaradi, - debdi kaptar.

- Menga ozgina non bilan sut bo'lsa bas, boshqa hech nimaning keragi yo'q, - debdi Kijavan.



Rassom Temur SALOHOV



Инсоният цивилизациясини янги босқичга кўтарган XX асрнинг сўнги ўн йиллигига келиб дунёнинг сиёсий манзараси тубдан ўзгарди. Ўзаро сиёсий рақобат асосига қурилган икки қутблилик (АҚШ ва СССР) сиёсати барҳам топди. Социалистик тузум раҳнамоси СССР парчаланиб, унинг ўрнида мустакил давлатлар пайдо бўлди. Шунинг билан ҳар дақиқа «совуқ уруш» ҳавфи остида яшаётган дунёда бирмунча барқарорлик қарор топгандек эди. Лекин инсон ҳаёти таҳдидлардан, хавотирлардан узоқлашиб кета олмади. Инсоният тараққиётига раҳна солувчи янгидан-янги муаммолар пайдо бўлдики, улар келтирилган оқибатлар аянчли кўриниш касб этди.

Халқаро терроризм хуружи ана шундай муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. «Террор», «террорчи» каби атамалар кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Бойлик орттириш мақсадида инсон қадимдан террорнинг у ёки бу кўринишларидан фойдаланиб келган. Терроризм рақибларни жисмонан йўқ қилишга асосланган сиёсий кураш усулидир.

Инсоният тарихининг ибтидоий замонларида терроризмнинг содда кўринишлари кўпроқ кузатилади. Маданият тараққиёти билан ёнма-ён терроризм балоси ҳам ривожланиб, янгича кўриниш касб этиб борган. Бизнинг давримизга келиб бу хуруж ўзининг юқори чўққисига чиқди (албатта, бу нисбий).

Ўзбекистон Республикаси ЖКсининг

155-моддасида терроризм бўйича жиноий жавобгарлик кўрсатилган бўлиб, мазкур модда 4 қисмдан иборат.

1-қисмда кўрсатилган жиноий ҳаракатни содир этганлик учун 8 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси кўрсатилган бўлса, 2-қисмида 10 йилдан 15 йилгача жазо кўрсатилган.

3-қисм 2 бандга бўлинади, яъни:

а) одам ўлишига;

б) бошқа оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси тайинланади.

4-қисмда терроризмни тайёрлашда иштирок этган шахс, агар у ҳокимият органларига ўз вақтида хабар бериш ва бошқа усул билан оғир оқибатлар юзга келишининг ҳамда террорчилар мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган бўлса, башарти бу шахснинг ҳаракатларида жиноятнинг бошқа таркиби бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод этилади.

Бугун терроризм муаммоси кўлами давлатлар, минтақалар оша жаҳоний аҳамият касб этаётди. Бирор-бир давлат, бирор-бир минтақа йўқки, терроризм балосидан азият чекмаган бўлсин! АҚШнинг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида амалга оширилган терроризм хуружи (2001 йил 11 сентябрь) бу муаммога жиддийроқ эътибор лозимлигини тасдиқлади. Бу амалиётдан кейин дунё бир қалқиб тушгандек бўлди. Ана шу воқеа сабаб

дунё жамоатчилиги янада сергак тортди. 11 сентябрь воқеалари дунёдаги сиёсий вазиятни бирмунча янгилабгина қолмай, яхлит бир муаммо атрофида жаҳон давлатларини бирлаштирди.

Ўзбекистон ҳукумати, хусусан, Юртбошимиз И.А.Каримов истиқлолнинг илк йилларидаёқ бу бало хуружининг олдини олиш лозимлиги ҳақида доимий тарзда ўқтириб келади. Президентимиз БМТнинг 48, 50-сессияларида сўзлаган нутқида ҳам бу муаммога алоҳида эътибор қаратган эдилар. Афсуски, бунга бирдек муносабатда бўлинмади. Ўзбекистон ҳукумати-нинг халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш ҳақидаги таклифи пайсалга солиб келинди. 11 сентябрь воқеалари Юртбошимизнинг таклифи нечоғлик ҳаётий ва тўғри эканлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон ҳам терроризм балоси билан юзма-юз келган давлатлардан. Беғуноҳ инсонлар ҳаётига

зомин бўлган 16 февраль оқибатлари, Са-риосиё, Узун туманларидаги тўқнашувлар ҳеч кимнинг хотирасидан кўтарилган эмас. Ҳукуватимизнинг одилона сиёсати туфайли қингир йўللарга адашиб кириб қолган ёшларимиз арф этилиб, ота-онаси кучоғига қайтди. Бу билан қанчадан-қанча салбий оқибатларнинг олди олинди.

Бу ун инсоният терроризм хуружига қарши узлуксиз курашиш йўлидан бормоқда. Турли давлатларда бу бало-қазони бартараф этиш йўлида ижобий ҳаракатлар қилинаётди. Мисол учун, Ўзбекистонда 2001 йил 29 августда «Терроризмга қарши кураш тўғрисида» қонун қабул қилиниб, етарли чора-тадбирлар кўри-моқда. Бироқ дунё микёсида қилинаётган бу ҳаракатлар етарли эмас.

Терроризм том маънода инсоният ва тараққиёт душмани. Бу таҳдид бор экан, дунёда соғлом муҳит, барқарор тараққиёт бўлмайди. Терроризмни ҳаётимиздан улоқтириб ташлаш нафақат бугунги авлод учун, балки ундан-да кўпроқ келажагимиз эгалари — фарзандларимизнинг осойишта эртаси учун ҳам зарур. Бу хавотир остида яшамаслик учун курашиш ҳар биримизнинг муқаддас вазифамиз-дир. Биз учун, тараққиётни истайдиган инсоният учун бошқа йўл йўқ!

Соҳибжон ҚАҲҲОРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
ҳуқуқшунослик факультети
тадқиқотчиси

Ўзбекистон модалари: Жанубий Корея



Тараққиёт йўлидан илдам бораётган Корея Республикаси Шарқнинг бошқа давлатлари қатори узоқ тарихга эга. Корея ярим ороли айни кунда икки давлатга бўлинган бўлса-да, ҳар иккаласида ҳам корейс халқининг ўзига хос маданияти, анъаналари, миллий либослари, миллий таомлар, бипокорлик услуги ва албатта, тили сақланиб қолган.

Жанубий Корея аҳолисининг 51 фоизини аёллар ташкил этади. Улар бошқа кийимларга нисбатан шим ва қоматга ёпишиб турувчи кофтлар кийишни маъқул кўришади. Ёш қизлар миллий кийим — хонбокнинг қизил, турмушга чиққанлар эса кўк ранглисини кийишади. Оддий хонбок шойидан, қишлиги эса сатиндан тикилади. Аслзода аёллар эса безакли, нақили хонбок кийишади.

Корейс аёллари ёрқин ранглارни унча хуш кўришмагани боис бундай рангли либосларни деярли кийишмайди. Шунингдек, улар елкалари очик кийимларни ҳам ёқтиришмайди. Ёшлар асосан жинси киядилар. Корейс аёллари ихчам сумкача тутадилар, бошга шляпа ёки шапка кийишади. Офисда ишловчи аёллар униформа ёки костюм кийишига мажбурдирлар. Корейс аёллари оёқ кийимларга ҳам алоҳида эътибор беришади: кундалик юмушлар учун паст пошнали, фақат меҳмонга борганларида бизиз пошна туфли киядилар. Улар ихчам, ничик, қимматбаҳо тақинчоқлар тақушади. Шуниси қизиқки, бу юрт аёллари ўта кен ва узун либосларни ёқтиришмайди.

Соч — одамнинг хусни. Қиш ва ёз фасларида одам бошидан ҳар кун 30-40 та соч толаси, куз ва баҳорда эса кўпроқ тўкилади. Бу оддий физиологик ҳодисадир.

Соч нимага ёмон ўсади? Биринчи навбатда, бошда қон айланиши ва ёғ безлари функциясининг бузилиши, бош териси ҳамда сочни нотўғри парварishi қилиш, сочга кимёвий ишлов бериш (жингалаклаш, бўяш), нотўғри турмаклаш сочининг ёмон ўсишига олиб келади.

Сочини турли бўёқлар билан бўяйдиган аёллар кимёвий завивка (жингалак) қилдирмасликлари керак, акс ҳолда соч тўкилиб кетиши мумкин. Хорижда ишлаб чиқарилган бўёвчи шампунларни қўлламастик лозим, чунки улар терини ёғсизлантиради ва соч яхши ўсмайди. Бошни дуч келган шампунъ билан ювиш ҳам ярамайди. Зеро, бундан ёғ безлари функцияси бузилиб, соч ўсиши ёмонлашиши мумкин.

Аёллар кўпинча водород пероксиднинг 3 фоизли эритмаси билан сочларини рангсизлантирадилар. Бу амал кўнидаёйча қилинади: водород пероксид суюқ атир совун билан аралаштирилади ва куюқ кўлик ҳосил бўлгунга қадар кўпиртирилади. Ҳосил бўлган кўлик сочга суртилади, кейин бошга полиэтилен рўмол ўралади, устидан иссиқ рўмол боғланади. Орадан 30-40 дақиқа ўтгач, бош ювилади. Агар сочининг ранги етарли даражада ўчмаган бўлса, бир ҳафтадан кейин бу муолажани такрорлаш мумкин.

Сочга малла ранг бериш учун 100 грамм 3 фоизли водород пероксидга бир ош қошиқ новшадил спирти қўшилади. Чиройли сарғиш тус бериш учун шу эритмага мойчечак қайнатмаси қўшилади. Бироқ сочни бўяш учун кимёвий моддалар мунтазам равишда қўлланавериладиган бўлса, уларнинг нормал хоссаси бузилади: соч ингичкалашиб, табиий ёрқинлигини йўқотади, мўрт бўлиб қолади ва кўлаб тўкила бошлайди.

Соч парварishiда бош терисини уқалаш (массаж) ниҳоятда яхши натижалар беради. Бунда қон айланиши, моддалар алмашишуви ва безлар фаолияти яхшиланади, терининг эластиклик хусусияти ортади. Бу эса сочининг яхши ўсишига ёрдам беради. Бош терисини махсус чўтка ёки сийрак тишли тароқ билан уқалаш лозим. Бу муолажа 7-10 дақиқадан ҳар кун бир неча мартаба амалга оширилгани маъқул. Сочни ультрабинафша нурлар билан ҳар йили 1-2 марта 4-5 секунд нурлантириш ҳам унинг ўсишини яхшилайди.


Тўғри овқатланиш ҳам сочининг яхши ўсиши ва сақланишига катта таъсир кўрсатади. Одам ҳам сифат, ҳам миқдор жиҳатидан меъёрда овқатланиши лозим. Таом таркибиде А витамини бўлиши жуда ҳам муҳим, чунки бу дармондори ёғ безлари функциясини нормаллаштиради. А витамини балиғ мойи, сариёғ, баъзи сабзавот ва меваларда бўлади.

Соч парварishiда қатиқ фақатгина профилактика мақсадиде эмас, балки даво учун ҳам қўлланади. Тери жуда ёгли бўлса, қатиқ ёғсизроқ сутдан ивителиди ёки бошга суртишдан олдин устки қатламидан 1-2 сантиметр олиб ташланади, чунки ёғ юзада бўлади. Тери жуда қуруқ бўлганда эса 0,5 литр ёгли қатиққа бир ош қошиқ сметана ёки қаймоқ қўшиш керак.

Соч тўкилишининг олдини олиш учун аввало уни тўғри турмаклаш лозим. Сочни баланд ёки жуда силлиқ турмаклаш юзи узунчоқ аёлларга унча ярашмайди, чунки бунда юз янада узун кўринади. Паст бўйли аёлларга сочни жуда шишириб турмаклаш ярамайди. Сочни баланд турмаклаш баланд бўйли аёлларга ярашмайди, бунда улар ўз бўйларидан анча новча кўринадилар. Сочни тўғри турмаклашининг асосий шарти шуки, соч тортилиб қолмаслиги, ҳар бир соч толасига ҳаво бемалол етиб туриши керак. Сочни жуда сиқиб ўриш, қаттиқ боғлаш ҳам зарар, чунки бунда сочининг қон билан таъминланиши бузилади. Сочни хўллигида ўриш ҳам мумкин эмас, акс ҳолда соч етарли даражада қуримайди. Азар фарқ очиб юрадиган бўлсангиз, уни вақти-вақти билан ўзгартириб туринг, ҳадеб бир жойдан фарқ очилаверадиган бўлса, у ердаги соч сийраклашади. Орадан бир неча йил ўтгач эса соч бутунлай тўкилади.

Сочини
чиroyли
бўйли
десангиз...







«ОВЧИЛАР»

Олмахонлар ёнғоқ чақишни қандай ўрганишса, бу ёш шерваччалар ҳам, фотосуратда тасвирланганидек, хавфли шохларга эга бўлган йирик ҳайвонларни овлашни тажрибага эга бўлган она шерлар ёрдамида ўрганишади. Шерваччалар она шерлар ортидан эргашиб юра бошлаганлариданок уларнинг ов қилиш жараёнини кузатиб боришади.

Шер болалари ўн ойлигидан бошлаб ўлжани қандай қилиб қўлга киритиш ва ғажиб-нимталаб ташлашни ўзлаштиришади: улар овламоқчи бўлган ўлжаларига шамол йўналишига қарши томондан яқинлашиб кузатишади. Шуниси характерлики, шерваччалар бир йилдан кўпроқ вақт ичида ҳақиқий овга аралашмасдан фақатгина ов жараёнини кузатиш билан чекланадилар. Улар бундай оғир ва хавфли бўлган ишни ўзларидан каттарок шерларга қўйиб беришади.

Ёш шерлар икки ёшга етгач, ўзлари мустақил ов қила бошлашади. Фотосуратда ёш шер ўлжаси бўлган антилопанинг тумшугидан, ковбойлар ёш буқани қандай бошидан ушлагандай, маҳкам тутиб тургани тасвирланган.

Шер усталик билан ўлжага сездирмасдан яқинроқ бориб, чамаси 9 метрлар узоқликдаги масофадан ўлжанинг тўғри боши устига бир қўлини буқа шохларидан ҳимоя қилган тарзда сакрайди. Йиртқич ўз ўлжасига маҳкам осилади, лекин йирик ўлжани бир ўзи қўлга киритиши учун унда кераклича тажриба ва оғирлик етишмайди. Ов муваффақиятли тугашида қолган шерларнинг ёрдами керак бўлади. Вақт ўтиши билан йиртқичнинг ҳаракатлари ўз самарасини бера бошлайди.

Комил ЖОНТОВ
тайёрлади



Радиодан деярли ҳар куни Муҳаммад ЮСУФ шеъри билан Ватан ҳақида кўшиқ берилади



Тиниқ чашма мисли қайнаб,
Бирда ўйчан, бирда ўйнаб,
Дилни ўртаб, руҳни қийнаб
Муҳаммаджон қуйлаётир.

Юлдузнинг шаъли созида,
Севарнинг овозида,
Элининг орзу-ниёзида
Муҳаммаджон қуйлаётир.

Кўшиғига тутсам қулоқ —
Оддийгина сўзлар, бироқ
Тинглаганда босар титроқ —
Муҳаммаджон қуйлаётир.

Музлар эриб тафт-қўридан,
Тил учимас, дил тўридан,
Юрагининг туб қаъридан
Муҳаммаджон қуйлаётир.

Қуласа-да, терак бўлиб,
Бугун яна керак бўлиб,
Байрамда муборак бўлиб,
Муҳаммаджон қуйлаётир.

«Ўзбекистон — улугимсан,
Ҷўпонимсан, ҷўлигимсан,
Шеърим, мангу кўшиғимсан», —
Муҳаммаджон қуйлаётир.

Нидо бўлсам, бўлайин деб,
Фидо бўлсам, бўлайин деб,
Адо бўлсам, бўлайин деб,
Муҳаммаджон қуйлаётир.

Кўнгли сутлек оқ, ойдиним,
Уйи холис, лафзи чиним,
Қорамариз шоир иним —
Муҳаммаджон қуйлаётир.

Қуйлаётир, тирик гўё...
То юрт омон, тургай дунё,
Чиққай қуёш, оққай дарё —
Муҳаммаджон қуйлаётир.

Абдулла АЪЗАМОВ
2002 йил 16 август

Шарҳулар мактублари

Атоқли олмон шоири Йоханн-Фридрих Шиллер 28 ёшида аслзода оила фарзанди, 23 ёшли Шарлотта Ленгсфельд билан танишди. Улар орасидаги сеvgи мактублари 3 йилдан сўнг (1790) оила қуриш билан яқунланди. Шу вақтгача моддий қийинчиликда, дарбадар яшаб юрган шоир Шарлоттага уйланиши билан осойишта ва бахтиёр ҳаёт кечира бошлади. Уйланишдан аввал Шарлоттага, унинг синглиси Каролинага, қизларнинг онасига ёзган мактубларида Шиллернинг оламни завқ-шавқли, романтик идрок этиши, сеvgи ва дўстликка доир қарашлари акс этган.

Шиллер — Шарлоттага

Азизим Лотта, опангиз Каролина юрган мактубида сизнинг қалбингизда менга нисбатан меҳр борлигини ёзди. Мен шуни умид қилган эдим, агар рост бўлса, нақадар бахтли бўлардим. Сиз билан танишганимиздан буён бу муаммо, бу сир кўнглимда оғир тош бўлиб ётган эди. Сизлар билан бир том остида яшаганимизда (Шиллер бўлгуси қайнотасининг чорбоғида меҳмонда эди — М.М) бутун журъатимни йиғиб, сизга кўнглимни очишга интилдим, бироқ кўлимдан келмади. Боиси шуки, агар сизнинг кўнглингизда менга нисбатан илиқлик бўлмай қолса, фақат менинг севишим ўзимга худбинлик бўлиб қўринар, фақат ўз бахтимни уйлаётганимдан хижолат чекардим ва бу фикр мени кўрқитар эди. Мабодо кўнглимдаги меҳр-муҳаббат фақат менда бўлиб, сизнинг кўнглингизда бўлмаса, буни сизга билдиришга қўрқар эдим, чунки дил изхорим билан сизни ранжитиб қўйсам, менга сингилларча меҳрибонлигингиздан ҳам айрилиб қолишим мумкин эди. Ана унда бу ажиб, латиф дўстлигимизга раҳна тушарди. Лекин баъзи лаҳзаларда иккаламиз бир-биримизни бахтли қилишимиз мумкинлигига умид қилардим, бундай лаҳзалар

ҳар қандай фикр-мулоҳазалардан юксак қўринарди. Мана шу олий туйғуга бошқа ҳамма нарсани олижаноблик билан қурбон қилса арзийди, деб ўйладим.

Сиз менсиз ҳам бахт топишингиз мумкин, лекин мен тўфайли бахтсиз бўлишингизга сира йўл қўя олмас эдим. Мана шу эзгу туйғу менда умид уйғотарди. Сиз бошқани сеvgанингизда ҳам ҳеч ким сизни менчалик пок ва нафис туйғулар билан севомайди, деб ўйладим.

Бошқаларни билмадим, лекин мен сизнинг бахтингизни доимо муқаддас деб билдим. Бутун борлигимни, ўзимдаги энг азиз, қадри хислатларни сизга бағишладим, янада олижаноб бўлишга интилишларим ҳам фақат сизга муносиб бўлиш учун, сизни янада бахтли қилиш учундир. Қалбларнинг улугворлиги, самовий гўзаллиги дўстлигининг энг аjoyиб ва узилмас занжирларидир. Бизнинг сеvgимиз ва дўстлигимиз занжирлари покиза туйғуларимиз каби узилмас ва абадийдир.

* * *

Ҳар хил шубҳа, гумонли мулоҳазаларни кўнглингиздан чикаринг, фақат туйғуларингизга ишонинг. Синглингиз Каролина ёзган фикрлари тўғрилигини, умидларим рўёбга чиқишини тасдиқланг. Меники бўлишга ихтиёрий розилингизни, менинг бахтим учун ўзингизни мажбурлаб қурбон қилмаётганингизни айтинг. Шуни биргина сўз билан айтсангиз, бошим осмонга етарди. Анча вақтлардан буён кўнглиларимиз яқин, қалбларимиз эркин бир-бирига талпинсин, бунга ҳеч ким, ҳеч нарса халал бермасин.

Хайр, азизим Лотта, қалбимни лиммолим тўлдирган туйғуларимни сизга муфассал ёзиш учун осойишта лаҳзаларни кутаман. Кўнглимдаги мана шу ягона истак мени гоҳ қувонтиради, гоҳ қайғуга солади. Сизга ҳали айтадиган гапларим жуда кўп!

Қайғуларимни тезроқ йўқотишга интилинг. Камина бутун ҳаётимни, бахтимни

сизнинг қўлингизга топшираман. Бахтимни фақат сизнинг қиёфанингиздагина кўраман! Хозирча хайр, азизим.

Шарлотта — Шиллерга

Бугун тонготарда уч отнинг дупурини эшитиб, ўрнимдан сакраб туриб, дераза ёнига югуриб бордим, сени кўриш умидида. Йўқ, сен эмас экансан, тегирмончининг ун тўла қоплар ортлган аравази отлари экан. Тўртинчи марта дераза олдига югуриб борганимда, ниҳоят сени кўрдим! Сен бозордан ўтиб, кўча муюлишига бурилгунингча, қараб турдим. Рухим ёнингга учиб борди, азизим, сеvgилим! Кеча ҳам (учрашганимизда) кун аjoyиб ўтди. Бундай осуда кунлар энди такоррланаверади. Демак, биз ҳали узоқ вақтлар сеvgи оғушида ўзимизни топамиз. Сеvgимиз ҳаёт, дунё нақадар тангу тор экан!

Яқинда ёлғиз нонушта қилдим, Лина (Каролина) саройга таклиф қилинган. Оқшомда мен ҳам ўша ерда бўламан. Сен ёнимда бўлмасанг, барча одамлар у ёқдан-бу ёққа ўтаётган соғлардай қўринади, қалбим уларнинг бору йўқлигини ҳам сезмайди, дилимда фақат иккимиз.

Бугун нима ишлар билан бандсан? Ҳар лаҳза нима қилаётганингни билгим келади.

Кеча иккаламиз тузган режалар шу қадар аниқ ва порлоқки, барчаси рўёбга чиқишига ишонаман. Агар сен Р. (шаҳри)да ўзингни бемалол ҳис этсанг, келажагинг учун ҳеч нарса йўқотмаётган бўлсанг, умид қиламанки, отам сенинг дил изхорингни тўғри тушунади ва сен бу ерда осуда ҳамда бахтиёр яшаётганингни билса, кўнгли таскин топади. Сен ҳам хурсанд бўласан, тўғрими, азизим, жоним? Сенга қувончли, сокин ва ажиб лаҳзалар бахш эта олошимни ўйласам, бошим осмонга етади!

Маҳкам АНДИЖОНИЙ
тайёрлади

Шоколад дарахти

1516 йилда Испания Мексикани босиб олади. Бу ўлкада тилла кўп деб ўйлаган фотихлар бозорларга киришса, мексикаликлар савдо-сотика тилла пул эмас, балки қандайдир бир дарахтнинг қуритилган мевасидан танга сифатида фойдаланишар экан. Суриштиришса, бу «танга»лар Мексика чангалзорларида ўсувчи шоколад дарахтининг меваси экан. Одам ўтиб бўлмайдиган қуюқ ўрмонзорларда, қолаверса, илон ва йиртқич ҳайвонларнинг маконига бориб, ўша дарахтнинг мевасини териб келиш ғоят мураккаб бўлганлигидан ҳам ерлик аҳоли уни тиллага тенг, деб билишар экан. Мексикаликлар халиги мевани тўйишар, сўнг элқадан ўтказиб, қайноқ сувга чой каби дамлаб ичишар, унинг номини «чокоатл», яъни «аччиқ сув» деб аташар экан. Агар шунга асал, шакар қўшилса, шоколаднинг мазасини эслатадиган ғоят шифобахш ичимлик ҳосил бўлар экан.

Босқинчиларнинг раҳбари Фернандо Кортес ўз қиролига ёзган мактубида бундай дейди: «Жаноби олийлари! Биз ацтеклар мамлакатада дарахтда ўсадиган тилла топдик, мевасини тўйиб, асал билан қайноқ сувга аралаштириб бир стаканини ичиб олган киши эртадан кечгача тўқ ва бардам юраверар экан. Биз жандан олдин аскарларга ана шундан ичиряпмиз. Бунда қандайдир илоҳий қувват борга ўхшайди. Бу ичимликнинг номи...»

Фернандо Кортес «чокоатл» сўзини испанча талаффузда «шоколаде» деб ёзиб юборган. Ана шундан буён бу дарахт шоколад дарахти, деб юритилди.

Эвасиллар ёзилган

Англиялик каскадёр Тим Гревс Жеймс Бонд ролини ижро этган ҳамма киноактёрларга дублёрлик қилган. У ўттиз йиллик фаолияти мобайнида 200 дан ортиқ фильмларда ўта қийин ҳаракатларни мохирлик билан бажариб, томошабинлар ҳурматини қозонди. Бу фильмлар сирасига «Йўқолган кемани изловчилар», «Терминатор-2»ни киритиш мумкин. Шунингдек, Тим «Эртага ҳеч ким ўлмади» фильмида ҳам мураккаб трюклар, ҳолатларни бажарди. Омадни қарангли, у ўзига ўхшаш каскадёр аёл Ингрид Вилчага уйлانган. Қизиқ, уларнинг фарзандлари ҳам ота-оналари сингари каскадёрликни эгаллармикини?!

Ёзилган аёллар тезроқ ёзуришадими?

Сент-Луис университетиде «40 ва ундан катта ёшдаги Америка аёлларининг характерли фазилатлари ҳамда жисмоний фаолликлари» деб номланган тадқиқотлар ўтказилди.

Аляскада яшовчи аёлларнинг деярли ярми (48,7%) ва афро-америкаликлар (37,2%) оқ танли (30,7%) ҳамда лотин америкалик аёлларга нисбатан спорт билан кам шуғулланишар экан. Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи аёллар шаҳарликларга қараганда бепарворок, озгин аёллар тўла, семиз аёллардан кўпроқ спорт билан машғул бўлишаркан.

Олий маълумотли аёллар орасида эса ҳаракатчан ва ғайратлилари кўп экан.

Илонни тишлаган... одам

Бу ғаройиб ҳодиса Доғистоннинг Янги Чиркей қишлоғида содир бўлган. Воқеа қахрамони шундай ҳикоя қилади:

— Ёз ойлари эди, бoғ ҳовлида дам олаётгандим. Бир вақт оёқларим музлай бошлаганини сездим. Сувқ бир нарса аста-секин юқорилаб тиззамга келди ва мен жаҳл билан оёқларим остига қарадим... Яланғоч оёқларимни илон ўраб турарди! Ўрнимдан қимирлолмай тош қотдим, кўзларим махлуқда эди. На боши, на думи кўринади. Қочишга ҳаракат қилиб кўрдим, аммо оёқларим шу қадар ўралгандики, мувозанатимни йўқотиб йиқилиб тушдим.

Менинг қақиргимга кўшнилар етиб келишди, аммо улардан ҳам фойда бўлмади. Ана шунда мен «рақибим»га тишларим билан ёпишдим. Қан чикди, аммо махлуқ оёғимни янада қаттиқроқ қисди. Кўркүв ва газабдан аяям қаттиқроқ тишладим. Шу даражада қаттиқ тишладимки, тери билан бирга илон гўшти ҳам чиқиб келди. Ана шундагина илон оғриқдан бўшаши ва кучим борича силтаниб, унинг сиртмоғидан озод бўлдим.

Илон яна уч кун ўша жойда буралиб-буралиб, думларини уриб ётди. У ўлмагунча, ҳеч ким юрак ютиб унинг олдига боролмади...

Янги йил ҳафдалари

— Қушни, янги йил кечасида байрам қилиш ўрнига трактор билан томорқангизни ҳайдатдингизми, дейман?

— Йўғе, музикачи дустим билан янги йилни кутиб эдик. У пианино чалди, мен қушни айтдим, холос.

— Нега ҳар йили шу қуйни қайта ишлаганини ишлаган-а? — сурати булбул қарганам.

— Утган йили симфоник оркестрга мослаштириб «Турналар» ансамблга тақдим этгандим, — деди қарга керилиб, — бу йил энди чумчуқларнинг илтимосига кўра эстрадага мослаштириб қайта ишляпманда.


Рассом: — Журналингизнинг янги йил соҳиба биронта сурат чизиб берсам, дегандим. Муҳаррир: — Майли-ю, лекин фақат сўзсиз сурат бўлин. Акс ҳолда, изоҳ ўрнида биров сўхфалик мақола ҳам ёзишга тугри келиб қолади.



Суратларни Муроджон УНГАРОВ ишлаган

— Келин, утирине, отахон.
— Сенкию, болам.

— Дустим, сени кўран одамлар мажалиста очирчилик бўлаётган экан, дейди.
— Тери, сени кўрандан кейин бунинг сабобини тушунашди...




Guliston

Ошиқлар

390 Xp

Индекс: якка обуначилар учун — 620
ташкilotлар учун — 806
Баҳоси: чакана савдода келишмаган қарҳда



Guliston



Modira